21059

Қишлоқ ҳақиқати

قىشلاق حقىقاتى

1993 йил 15 май
ШАНБА
№ 36 (5.498).
НАРХИ:
ОБУНАЧИГА 3 СЎМ,
СОТУВДА 5 СЎМ.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Шўрлашган заминимиз заҳматкашлари

ДАЛАЛАР ДИЛНИ ЯЙРАТАР

Кўкламнинг охири, ёзнинг боши — айни шу кунларда дала айлансангиз, гўё деҳқон яшиллик мавжи қулф урган кенгликларга пишиқчилик дастурхонини ёзаётганлигини кўриб, дилдилдан қувонасиз. Ҳар қадамда тўкинчиликнинг турфа неъматлари нигоҳингизга кўчиб, баҳорнинг муаттар бўйлари баҳри-дилингизни очади, қалбингизда эса бободеҳқонга бўлган меҳрингизни оширади.

Пойтахтимизнинг шундоққина биқинида жойлашган Янгиота тумани пайкалларида бугун шундай манзара. Деҳқонларнинг кўли-қўлига тегмайди. Унинг ота мерос кетмон дастасини адл тутган қабариқ қўллари янаям чайирлашган, ташвишлари тиғиз. Аҳдлари ҳам шунга яраша устивор.

«Қорасув» давлат хўжалигининг 6-бригадаси саркори, Ўзбекистон халқ депутати Шавкат Нуриддинов ана шундай уста деҳқонлар сирасига киради. У бошлиқ жамоа аъзолари бу йил 25 гектар ерда деҳқончилик қилишмоқда. Шундан эртанги карам 3 гектар майдони ташкил этади. Ҳозир карам пайкалларида ҳосилни тезроқ етилтириш ва уни шаҳарликлар дастурхонига тортиқ этиш мақсадида сифатли агротехник тадбирлар ўтказилмоқда. Экинлар дуркун ривожланмоқда. Шунингдек 3 гектар ердаги помидор, 3 гектар картошка, 3 гектар ош лавлаги ва 2 гектар ерда сабзи экинлари ҳам бободеҳқонларимизнинг қалб қўри, меҳнатидан қулф уриб ўсмоқда. Бақлажон, саримсоқ пиёз ва пиёз экилган пайкаллар яшнаб, заҳматлар соҳибига таъзим қилаётгандай оҳиста чайқалади. Эрта азонда шабнамда юз чайиб, тиниқ баҳорий рангларини тағин ҳам кўз-кўз этади.

Меҳнатни қойиллатган деҳқоннинг лафзида гап кўп. Бригада сабзавоткорлари карамнинг ҳар гектаридан 300 центнердан, картошкадан 150, ош лавлагидан 300, сабзидан 200 центнердан ҳосил йиғиштириб олишга аҳд қилишган. Шунга яраша пайкалларда ҳосилга-ҳосил қўшиш қизғин давом этмоқда. Ноз-неъмат бунёдкорлари айни вақтда экинларни парваришлашдан тортиб ҳосилни саранжомлашгача бўлган барча дала юмушларини соз ва сифатли адо этмоқдалар.

Далалардаги тўкинлик ҳадемай шаҳарликлар дастурхонига кўчади.

А. МАВЛОНОВ.

СУРАТЛАРДА: 1. (чапдан) ишчи Латиф Эгамов билан бригада етакчиси, илғор сабзавоткор Шавкат Нуриддиновлар пайкалларда мўл ҳосил нишона кўрсатаётганлигидан хурсанд. 2. Экинга ишлов пайти.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

АРНАСОЙ ИЖАРАЧИЛАРИ

Шу кунларда Арнасой райони деҳқонлари ҳам дала ишларини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Улар сурункали ёғингарчилик, об-ҳаво салқинлиги келтириб чиқараётган мушкулликларни ҳалол меҳнат билан енгмоқдалар.

Жуков номли давлат хўжалиги чигит экишни илғорлар қаторида бошлашганди. Шу боисдан бир текис униб чиққан ниҳоллар кўзни қувонтиради. Хўжаликнинг Ўлмас Мамирзаев бошлиқ бригадаси далалари шундай манзара кашф этган. Жамоа ижара асосида иш юритаётган экан. 150 гектар майдонда деҳқончилик қилинмоқда. Ҳамма пайкалларда экиш қулай ва қисқа муддатларда ўтказилди. Бунда моҳир механизаторлар Нурмамат Қурбонов ва Исроил Очилов айниқса ғайрат кўратишди. Бригадирнинг айтишича, 35 гектар ерда беда, 40 гектарда буғдой ҳам ўстирилмоқда. Ўлқуварлар ўтган йили режаларини ошиғи билан бажаришганди. Бу йилги ният ҳам чакки эмас.

Қўшни Тимошенко номли давлат хўжалиги пахтакорлари 3213 гектар майдонга чигит қадашган. Бу ерга Азиз Сандқулов раҳбар этиб сайланганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин унинг тадбиркорлиги, ташкилотчилиги ҳозирданоқ кўпчиликка маъқул тушмоқда.

— Бултур хўжалик пахта тайёрлаш режасини бажара олмаган, — дейди А. Сандқулов. — Шунинг учун ҳозирда бирмунча иқтисодий қийинчиликларга дуч келяпмиз. Аммо одамларимизнинг руҳлари тетик, ниятлари қутлуғ. Шу нарса уларни баракали ишлашга ундамоқда. Кенгашли тўй тарқамас, деганларидек муаммо ва қийинчиликларни бамаслаҳат, баҳамжиҳат бартараф қилаяпмиз.

Хўжаликнинг Доннёр Худоёров бошлиқ 1-бўлими аъзолари кўкламги экишни илғорлар қаторида тугаллашди. Жамоа ўтган йили режани бажарган. Бу йил ҳам баракали хирмон кўтариш кўзланяпти. 365 гектар ерда текис ниҳоллар олинган. Шунингдек Улуғбек Холов, Фароғат Шомуродова етакчилик қилаётган бўлимлар ҳам дала ишларини оби-тобида амалга оширмоқдалар.

Комил УЛУҒОВ.

ПАРВАРИШ ПЕШҚАДАМЛАРИ

Оққўрғон райони деҳқонлари чигитни ўз вақтида экиб бўлиб, парваришни уюшқоқлик билан бошлаб юбордилар. Ҳозир ниҳоллар текис ундириб олинган далаларда культиваторлар билан ишлов бериш қизғин олиб борилмоқда. Деҳқонлар мавжуд 17,5 минг гектар ернинг ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил олиш учун ниҳолларни агротехника қоидалари асосида парвариш қилмоқдалар.

Султонобод, Гулистон, С. Сегизбоев номли жамоаларда айниқса, бу иш намунали олиб борилмоқда.

Султонобод жамоа хўжалиги далаларида парвариш қизғин кетаётганлигининг шоҳиди бўлдик. Далаларда 23 та культиватор таққан тракторлар унумли ишлатилмоқда. Саттор Абдураҳмонов, Фахриддин Деҳқонбоев, Маҳмуд Шербўтаевларнинг ҳар бири кунига 5—6 гектар ердаги ниҳолларга сифатли ишлов беришмоқда.

У. МУҲАМЕДОВ.

ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

14 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари раҳбарларининг учрашувида иштирок этиш учун Москвага жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримовни Ўзбекистон Олий Кенгаши раиси Ш. Йўлдошев, республика Бош вазири А. Муталов, бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 май куни «Труд» рўзномасининг бош муҳаррири А. Потаповни қабул қилди.

Мамлакатимиз Президенти меҳмонга Ўзбекистондаги сиёсий вазият, иқтисодий ислоҳотлар ҳамда бозор муносабатларига ўтиш даврида аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар хусусида сўзлаб берди.

Меҳмон самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этди.

(ЎзА).

МАЛИКА АННАНИНГ ТАШРИФИ

1993 йил 10 июлдан 20 июлгача Буюк Британия қироличаси Елизавета II нинг қизи, Малика Анна зоти олиялари қироллик ҳарбий-денгиз кучлари қўмондони Тимоти Лоренс ҳамроҳлигида Мўғулистон, Қозоғистон ва Ўзбекистонда сафарда бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати.

ЯГАНАЛАШ БОШЛАНДИ

Денов районидаги Ш. Қобилов номли жамоа хўжалиги пахтакорлари қийғос униб чиққан ғўза ниҳолларини яганалашга қизғин киришдилар. Бу муҳим тадбирга тажрибали колхозчилар жалб этилган. Жорий йилда заршунослар 873 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил олишга, давлатга 2880 тонна сифатли хом ашё сотишга бел боғлашган.

Барча майдонларга «Бухоро-6» нав чигит қадалиб, дуркун ва текис ниҳоллар олинди. Яганалаш Х. Шойимов, Х. Хўжамбердиев, С. Ҳамзаев, О. Эшмирзаев, А. Абраев, Н. Қобилов бошлиқ бригадаларда уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Бу тадбирдан сўнг қатор ораларига ўғит солиниб, ишлов берилмоқда.

Ў. БЕКМУРОДОВ.

ДЕҲҚОН ИРОДАСИ

Баҳор деҳқон учун қулай келди, деб қувонган эдик. Ахир бултурги кўклам ва эрта ёзни эсласак юрагимиз орқага тортиб кетади. Амалдаги йилда эса чигит экишни муддатида тугаллаб, бир текис кўчат олдик. Кутилмаганда ҳарорат пасайиб, ёмғир ёғди. Барча майдонларда озми-кўпми қатқалоқ ҳосил бўлди. Деҳқон бундай қийинчиликларни энди кўраётгани йўқ. Ҳар йили табиат инсонни синовдан ўтказиб туради. Деҳқонларимиз жорий йилда 355 гектар майдондан ингичка толали пахта етиштириш мақсадида меҳнат қилмоқдалар. Гектаридан режадаги 33 ўрнига 35 центнердан оқ олтин хирмони уямиз деб ният қилганмиз. Барча майдонлардан бир текис кўчат олдик. Ҳарорат пасайган ҳозирги пайтда ғўза парваришини янада кучайтириш талаб этилади. 150 нафар киши ғўза яганаси, чопиқ билан машғул. Бугунгача қариб 200 гектар ердаги ғўза яганадан чиқарилди. Ўнта чопиқ трактори ёрдамида иккинчи ишлов берилаяпти. Яқинда дастлабки озуқани бериб, жўякларга сув тараймиз.

Шунингдек, 37 гектар жойда дон учун маккажўхори парвариш қилаяпмиз. Гектарида 70 мингтадан кўчат бор. Хўжамурод Бўтаёров бошлиқ бригаданинг 26 гектарли маккажўхорилари айниқса серавж. Ҳозир экинга минерал ўғит берилаяпти. Биз жорий йилда 37 гектар экинзорнинг гектаридан 40 ўрнига 50 центнердан дон олишни ният қилганмиз.

Миришкорлар дала ишларини бўшаштирмаган ҳолда 56 қути ипак қуртини боқишмоқда. Об-ҳавонинг салқин келиши натижасида ҳарорат пасайди. Хоналардаги ҳарорат мўътадиллигини сақлаш учун печкалар ёқилаяпти. Ҳар қути ипак қуртидан 45 килограммдан қумуш тола етиштиришнинг ўзига яраша ташвишлари бор, албатта. Бу қийинчиликлар ўткинчи. Фидокорона меҳнат қилиб халқимиз турмушни яхшилашга муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Х. ТИЛОЛОВ,
Қизириқ туманидаги «Гиламбоб» давлат хўжалиги бўлим бошқарувчиси.

ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ ИСЛОҲОТНИНГ САМАРАДОРЛИГИГА БОҒЛИҚ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтгани хабар қилинган эди. Мажлисда 1993 йилнинг биринчи чорагида халқ хўжалиги ишларининг якунлари ва республикада иқтисодий ислоҳотлар қандай бораётгани кўриб чиқилди. Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Муталов бошқарди.

Бош вазирнинг ўринбосари Б. Ҳамидов маъруза қилди. Маърузада ҳамда молия вазири Э. Боқибоевнинг, Бухоро ва Навоий вилоятлари ҳокимлари Д. Ёдгоров, А. Айдарқуловнинг, Шовот, Олот ва Хатирчи туманлари ҳокимлари И. Ҳожиев, Ғ. Ботиров ва Т. Мамановнинг, «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А. Лелеконинг нутқларида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, республикада иқтисодий барқарорлик соҳасида ҳукумат қилаётган ишлар ишлаб чиқаришдаги таназзулнинг ўтган йил охиларида бошланган секинлашуви тамойилини мустаҳкамлаш имконини бермоқда. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўпаймоқда, давлат бюджетининг даромад қисми бажарилди. Бюджет харажатларининг ярмидан кўпроғи биринчи галдаги ижтимоий эҳтиёжларга сарфланди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўртача иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар кўпайди. Аҳолини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва моллар билан таъминлаш масалаларига катта эътибор берилди. Йилнинг биринчи чорагида чакана мол оборотининг эллик фоизга яқини белгиланган миқдорда, купонлар ва жамғарма банкининг чеклари бўйича сотилди. Бундай ёндошув нисбатан арзон молларнинг республика ташқарисига чиқиб кетиш имконини чеклай қўйди.

Шу билан бирга, халқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи мураккаб бўлиб турибди, бозор муносабатлари қийинчиликлар билан шаклланмоқда. Вазирлик ва идоралар, корпорация, уюшма ва концернлар лозим даражада ташаббус ва қатъият кўрсатмаяптилар, ишлаб чиқариш ва ишбилармонлик фаолиятини кучайтириш учун бериб қўйилган ҳуқуқ ва имкониятлардан етарли фойдаланмаяптилар.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов нутқ сўзлади.

Президент йилнинг биринчи чорагидаги иқтисодий ҳолатни таҳлил этиб, вазиятга аниқ баҳо берди, бевосита ижрочилардан муаммоларни ҳал этишни талаб қилди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш учун ҳар бир киши — хоҳ давлат ташкилотининг ходими бўлсин, хоҳ хусусий соҳанинг ишбилармони бўлсин, ундан қатъий интизом ва топширилган ишни бажариш учун юксак масъулият талаб қилинади.

Йилнинг асосий якуни йил бошида қилинган иш қанчалик пухта ва холисона таҳлил этилишига, йўл қўйилган хатоларни ҳар бир раҳбар тўғри баҳолашига, камчиликларни тугатишнинг аниқ ечимлари ва усулларини нечоғли тез топишига боғлиқ бўлади, деб таъкидлади Президент.

Иқтисодий ислоҳотнинг моҳияти — бутун халқ хўжалиги мажмуини ривожлантиришнинг янги йўлларини собиткадамлик билан излашдан иборат. Мадомики шундай экан, жамики янгиликлар республикадаги ҳар бир меҳнаткашнинг, ҳар бир кишининг онгига етиб бориши жуда муҳимдир. Иқтисодиётда қандай ўзгаришлар рўй берди, қандай ёндашувлар ишлаб чиқилмоқда? Одамлар буларнинг ҳаммасини билгиси келади. Бу соҳада ҳокимликлар, жойлардаги бошқа ташкилотлар кўп иш қилиши керак.

Ҳамон эскичасига ишлаб келаётган бир қанча вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари қаттиқ танқид қилинди. Кейинги вақтларда жамият иқтисодиётини қайта қуришнинг кўпгина янги, илғор фикрловчи ташкилотчилари вояга етди. Улар ҳам хато қилиши мумкин, аммо буни яширмаяптилар, хатоларни тузатиш йўлларини излаяптилар ва тажриба орттирмоқдалар. Ҳамма ҳам шундай кишилардан ибрат олиши керак.

Президент учта асосий жиҳатга эътиборни қаратди. Биз фаолият соҳасини қанчалик чекламайлик, деди у, шунга қарамай, ҳозир Ўзбекистонда ислоҳот фақат иқтисодиётда эмас, маданиятда, сиёсатда, бошқа соҳаларда ҳам юз бермоқда. Бу — бутун жамият ҳаётини қайта қураётган Ўзбекистоннинг бош йўлидир. Иқтисодий ислоҳот тўғрисида гапирсак, маҳсулот ишлаб чиқаришни қисқартирмаган ҳолда уни давом эттираверіш керак.

Энг аввало топширилган иш учун масъулнятни ҳис этиш зарур. Ҳар хил «объектив» сабабларни деш қилиш республика иқтисодиётини юксалтирмайди. Турли баҳоналар, қийинчиликлардан нолишлар эса, вужудга келаётган аниқ-равшан муаммоларни ҳал этишдан ўзини олиб қочишга, бу юкни ўзгалар елкасига ортишга уринишдан бошқа нарса эмас. Маҳсулот етказиб беришдаги узилишлар оқибатида қишлоқ хўжалигида, қурилишда, савдода жуда кўп камчиликлар ва муаммолар мавжуд. Лекин ташқаридан маҳсулот етказиб бериш билан бевосита боғлиқ бўлмаган тармоқлар ҳам бор. Айниқса республика табиий бойликларидан фойдаланиш чоғида ишни барбод этишга йўл қўймаслик муҳимдир. Масалан, нефть конларни кўпайтиришга алоҳида эътибор зарур, чунки мустақил Ўзбекистон иқтисодиётининг бундан бўёнги тақдири кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Бу соҳада ҳамма гап ўзимизда қолган. Давлат бюджетидан ажратилган маблағдан жойлардаги ҳар бир бўлинма самаралн фойдаланиши лозим. Йилнинг биринчи чорагида бюджетдан ажратилган 18,5 миллиард сўмнинг 5,5 миллиард сўми ўзлаштирилмай қолди. Мактаблар, шифохоналар, уй-жойлар ва бошқа иншоотлар қурилишида шу маблағдан фойдаланиш мумкин эди.

Доимий эътибор беришни талаб қиладиган иккинчи масала — ислоҳот мақсадини жойларда қандай тушунилаётганидир. Унинг моҳияти нимадан иборат, унинг асосини нима ташкил этади — ҳар бир кишининг онгига ана шуни етказмоқ керак. Ўзбекистонимиз катта, сершох чинордир. Ислоҳот эса унга янгиланиш учун куч бағишлаши, унинг ҳар бир шохини янги ҳаётий куч билан тўлдириши лозим. Аммо ҳозирча шу ҳаётбахш шамол дарахтнинг фақат юқори қисмигагина эсмоқда. Аслида у ҳар бир япроғига етиб бориши, теран илдизларига ҳам кириб бориши лозим.

Учинчиси, бозор муносабатларига ўтиш даврида жуда муҳими — бу ҳар бир ишдаги масъулият, тартиб, интизомдир.

Қонунларга, иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга оид бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш бозор муносабатларига маърифий йўл билан ўтишнинг муҳим шартидир. Бир қанча ана шундай ҳужжатлар қабул қилинди. Уларнинг бажарилиши вазирликлар ҳамда идоралардаги ижрочилик интизомини мустаҳкамлашни тақозо этади.

Иқтисодий тараққиёт масалаларини ҳал этиш чоғида кўп нарса барча босқичдаги ҳокимларга боғлиқ. Уларнинг обрўси эса халқ хўжалиги мажмуидаги тармоқларга қандай мадад бераётганликлари билан белгиланади. Айрим корхоналарнинг раҳбарлари турли муаммоларни ҳокимларни четлаб ўтиб, вазирликларда ҳал қилишга уринадилар. Бу нотўғри ва унга йўл қўйиш мумкин эмас. Шу билан бир вақтда айрим ҳокимлар ўзларига қарашли ҳудудларда жойлашган корхоналар фаолиятига атайлаб аралашмаяптилар. Балки шундай яшаш осонроқдир, ортиқча муаммолар бўлмайди. Бироқ вилоят ва туманнинг раҳбари ҳар томонлама билимдон бўлиши керак. У фақат қишлоқ хўжалигини эмас, саноатни ва қурилишни, умуман иқтисодиётни яхши билиши шарт.

Президент иқтисодий муаммоларни ўртага ташлаб, ички бозорни ҳимоя қилиш, коммуникациялар тизимини ривожлантириш тўғрисида гапирар экан, жумладан оммавий ахборот воситаларининг, айниқса телевиденнинг фаолиятига алоҳида эътибор берди, улар иқтисодий ислоҳотларнинг зарурлигини ва бу борадаги вазифаларни меҳнаткашларга вақтида, содда қилиб тушунтириб бериши керак, деб таъкидлади.

Т. БОТИРБЕКОВ,
В. ДРАЧЕВ,
ЎзА мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Бу йил атоқли ҳуқуқшунос олима, давлат арбоби, академик Ҳ. Сулаймонова туғилган кунга саксон йил тўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шу муносабат билан Ҳ. Сулаймонова таваллудининг 80 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев раислигида юбилейни ўтказиш комиссиясининг таркиби тасдиқланди. Комиссия таркибида республика адлия вазири А. Мардиев, республика олий судининг раиси У. Мингбоев, республика Бош прокурори Б. Мустафоев, республика ички ишлар вазири З. Алматов, конституциявий назорат қўмитасининг раиси Ш. Ўразаев, республика Президенти ҳузуридаги жаҳон муаммолари институтининг директори вазифасини бажарувчи А. Саидов, Ўзбекистон ахборот агентлигининг бош директори М. Ҳазратқулов, юридик фанлари доктори, профессор М. Восиқова, Ўзбекистон Республикаси Президенти аппаратининг юридик масалалар бўйича етакчи консультанти Ҳ. Одилқориев бор.

Комиссия юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқишга киришди.

Қоракўлчилик хўжаликлари бозор шароитида

ЧЎЛ БОЙЛИГИ

Сўнгги йилларда Нишон райони чорвадорлари қувончли кўрсаткичларга эришмоқдалар. Давлатга гўшт, сут, тухум, жун ва қоракўл тери сотиш режалари ошириб адо этилаётир. Бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Район раҳбарларининг эътибори, мутахассисларнинг жонкуярлиги ўз натижасини бераяпти. Ҳар йили мўл озуқа жамғарилиши, наслчилик ишлари тўғри йўлга қўйилгани ютуқларнинг бош омилидир.

Яқинда шу районда бўлиб, тармоқ фидойилари даврасида суҳбатлар қурдик, яйловга чиқиб кўзилатиш якуни билан таништик.

КЎРСАТКИЧЛАР ПАСАЙМАЙДИ

Нишон район деҳқончилик-саноат уюшмаси раисининг чорвачилик бўйича ўринбосари Тоҳир ҲАЗРАТҚУЛОВ ҳикояси:

●

— Ўттиз уч йилдирки, чорвадорлик қасбини эъзозлаб келаман. Ниманки обрў-эътибор топган бўлсам, шу касбим туфайли. 1992 йилги муваффақиятларимиз учун Ўзбекистон Президентининг Фахрий ёрлиғини олдим. Ас-тойдил меҳнат қилган кам бўлмас экан. Лекин унинг машаққатларига бардош бериш ҳам осон эмас. Районимизда ўн бешта хўжалик бор. Учраси қорамолчилик бўйича наслчиликка, биттаси қоракўлчиликка ихтисослашган. Хўжаликларнинг барида Қизил эстон зотли моллар парваришланади. 1993—94 йилларда яна икки хўжаликни наслчиликка айлантирамиз. Шунда қўшни районларга ҳам зотдор қорамоллар етиштириб бериш имкониятимиз ортади. Бундан ҳамма фойда кўради.

1992 йили тармоқнинг барча соҳалари бўйича топшириқлар бажарилди. Амалдаги йилнинг биринчи чораги гўшт сотиш режаси 107, сут эса 115 фоиз бўлди. Гўшт белгиланганидан 46 тонна, сут 159 тонна ошди. 1992 йилнинг шу даврига нисбатан қорамоллар 329 бошга, қўйлар 2.035 бошга кўпайди. Ҳар юз бош совлиқдан 107 тадан соғлом қўзи олинди. Чўли Бегимқулов номли совхозда бу кўрсаткич 110 таданга етди. Шунингдек, ҳар юз бош сигирдан бузоқ олиш ҳам бултургидан юқори. Ҳар бири 400 бош молга мўлжалланган, мавжуд 11 та чорвачилик комплекси тўла механизациялаштирилган.

Чорвачиликда муваффақиятга эришишнинг биринчи шарти озуқа. Жонивор ем билан тирик. 1992 йили мавсумига пухта тайёргарлик кўрганимиз қишдан беталофот чиқишимизни таъминлади. Ем-хашак ортиб қолди. 1992 йилнинг шу пайтигача олганда ҳар сигирдан 20 килограмм кўп сут етиштирилди. Ҳар товуқдан олинаётган тухум учтага ортди. Ҳозир ҳар бош говмиш ўртача 10 килограммдан маҳсулот бераяпти. Жониворлар оғзи кўккка етди, беш-олти кунда насиб этса, маҳсулдорлик 12—13 килограммгача боради. Новвосларнинг кунлик семириши ҳам талаб даражасида. Бир кеча-кундузда 600—650 граммдан жонивор этига эт қўшилаяпти. Фермаларни вақтида ёш моллар ҳисобига тўлдиришга қатъий риоя қилинади.

Тармоқни жадал ривожлантириш чораларини белгиладик. Район бўйича 96,8 минг бош қўй парваришланаяпти. Икки-уч йилда уни 100 минг бошга етказиш ниятидамиз. Шунингдек, бизда 11,5 минг бош қорамол (3.250 боши сигир), 1.600 бош чўчқа, 56 мингта паррандa бор. Уларни емиш билан етарли таъминлаш учун бу йил 9,5 минг гектар майдонда озуқа экинлари етиштирамиз. Шунинг 6,5 минг гектари беда, 1,5 минг гектари макка, 250 гектари лавлаги, 300 гектари бир йиллик перко, рапс каби ўсимликларга ажратилган.

Кези келганда чорвадорларнинг шу кунги ўй-ташвишлари хусусида ҳам тўхталсам. Баъзи муаммолар бизни жуда қийнаб қўйди. Улар қанча тез ҳал этилса, ўзимизга шунча яхши. Техника, айниқса ёнилғининг ниҳоятда қимматлашгани маҳсулот таннархини кўтариб юборди. Асосий оғирлик хўжалик елкасига тушаяпти. Чўл шароитида техникадан фойдаланмай илож йўқ. Унинг устига омихта ем қимматлашган. Бир килограмм сутни етиштириш камида 40 сўмга тушаяпти. Истагимиз мутасадди идоралар шу масалада ёрдам беришса, Зеро гўшт ва сут нон каби инсонга кунда керак.

ЧЎПОНЛИК МУҚАДДАС КАСБ

«Нишон» давлат наслчилик заводи директори Мадат ГЕЛДИЕВ ҳикояси:

●

— Хўжалигимиз жуда катта. Қўйчилик билан бир қаторда қорамолчиликни ҳам ривожлантираяпмиз. Ҳозир заводимиз ихтиёрида 5 ферма, 85 отар, битта алоҳида наслчилик фермаси, битта бўрдоқичилик бригадаси бор. Жониворлар Асомқудуқ, Керкинчак, Отқудуқ, Товур, Саксондара, Қирққулоч, Кафтали, Чиғил яйловларида боқилади. Яқинда Президентимиз фармонига биноан чорва маҳсулотларига эркин нарх белгиланган биз чорвадорларни ниҳоятда қувонтирди. Қайси отарга бормайлик, чўпончўлиқ ниҳоятда мамнун. Худо хоҳласа бундан буёғи ҳаммаси изга тушади. Район ҳокимлиги мунтазам ёрдам бериб турибди. Ҳамма масалани улар кўмагида ҳал этамиз.

Бунга жавобан кўрсаткичларимиз ҳам йилдан-йилга яхшиланаяпти. 62.773 бош қўй баҳорга соғлом, семиз ҳолда чиқарилганди. Шундан 33.715 боши совлиқ. Улардан жами 36.075 та қўзи олинди. Ҳар 100 бош она қўйга 107 тадан насл тўғри келди. 25.286 бош қўзи ўстиришга қолдирилди. Бу совлиқларга нисбатан 75 фоизи демак. Жониворларнинг 14.480 боши урғочи. Умуман 1992 йилга нисбатан 591 бош кўп қўзи парваришланаяпти. 10.789 дона юқори сифатли қоракўл тери тайёрланди. Амалдаги йилнинг биринчи чорагида 100 тонна ўрнига 110,5 тонна гўшт, 9 тонна ўрнига 14 тонна сут, 5 минг ўрнига 12 минг дона тухум топширдик. Йил охиригача 6 минг бош наслдор қўйни вилоят хўжаликларига сотамиз. Гўштга топширилаётган қўйларнинг ўртача тирик вазни 42 килограмм ўрнига 46—47 килограммни ташкил этаяпти. Яқинда мутахассислар билан ҳомчўт қилдик. Ҳар қўйдан 1,5—2 килограммдан (тола ҳисобида) жун олиш мумкин экан. Хуллас, бугунги қарич билан ҳисоблаганда 120 миллион сўм фойда кўришни мўлжаллаяпмиз.

Боймурод Нормуродов ва Эгамберди Жумаев етакчилик қилаётган иккинчи ҳамда учинчи фермаларда мавсум баракали якунланди. Уларда ҳар юз бош совлиқдан 109—111 тадан тўл олиниб, 77 фоизи парваришга қолдирилди. Илғор чўпонлардан Бўри Дўлонов, Бегим Қурбонов, Каром Аҳмедов, Эргаш Ҳолназаров, Ўрол Кўчиев, Соат Бўтаёров, Қурбонназар Раҳимов, Араб Қўйлиев, Райим Абдураҳмонов, Тўйчи Бойқулов, Омон Шерқулов, Маҳма Худоёров бош бўлган отарларда ҳар юз бош совлиқ 110—115 тадан қўзилади. Уларнинг 83—87 фоизи боқилаяпти. Яйлов баҳодирлари бир отардан икки отар яратиб эл бойлигига бойлик қўшишаяпти.

Чорвадор бир синовдан ўтди. Энди иккинчисига тайёрланаяпти. Нафас ростлашга эса вақт йўқ. Ҳаёт шу тариқа давом этаверади. У доим эртанинг ташвишида яшайди. Ҳар қандай қийинчиликларни мардона енгиб меҳнат қилади: дориламон кунларга тезроқ етишимизга замин ҳозирлайди. Бир мисол. Хашак боғлайдиган симнинг тоннаси 500 минг сўмга кўтарилди. Олмай десангиз яна иложингиз йўқ. Ортиқча ташвиш, исрофгарчилик кўпаяди. Ёки ёнилғини олайлик. Усиз ишимиз битмайди. Мавжуд қўйларнинг 60—70 фоизи машиналар ёрдамида суғорилади. Бизга бир йилга 600 тонна бензин, 1.000 тонна солярка керак. Уни ҳозирги нархида ҳисоблаб чиқсангиз жуда катта пул бўлади. Фойданинг асосий қисми шунга кетаяпти. Майли, вақти келиб ҳаммаси яхши бўлиб кетар. Муҳими, бир жон, бир тан бўлсак бас. Ахир бир пайтлар бундан ҳам қийин бўлганку! Қирқига чидадикми, бу ёғи ҳеч гап эмас.

Амалдаги йилда давлатга 620 тонна гўшт, 8 минг дона қоракўл тери, 78 тонна жун, 40 тонна сут, 33 минг дона тухум, 1.800 тонна дон, 250 тонна сабзавот, 210 тонна полиз маҳсулотлари топширишимиз керак. Худо баракасини берса, режаларни ошириб адо этамиз. Имкониятларимиз етарли. Озуқадан қийналмаслик мақсадида 500 гектар ерга беда экканмиз. 25 гектарда полиз, 30 гектарда сабзавот экинлари етиштирамиз. Умуман 700 гектар суғориладиган, 300 гектар лалми ерда деҳқончилик қилаяпмиз.

КЕРКИНЧАК ЯЙЛОВЛАРИДА

Бош зоотехник Шербой АҲМЕДОВ ҳикояси:

●

— Саксон олтинчи ва саксон тўққизинчи йиллари ўт бўлмай роса қийналганмиз. Ўшанда бу кўкатлар қайда эди. Жониворларнинг эти суягига ёпишиб кетганини кўриб, юрагингиз ачирди. Кечалари уйқу нима билмайми. Анча талофот кўрдик. Саксон олтинчи йили 10.736 бош қўйни «Рассвет» совхозига гўштга топширишга мажбур бўлдик. Жонивор ҳоли қолмаганидан кетатуриб йиқилиб қоларди. Пода ортидан уларни бирма бир машинага ортардик. Оқибатда бир қанча хўжаликлар тугатилди. Менимча ундай қилиш керак эмас эди. Оҳири ўйланмай қилинди. Қўйларни сақлаб қолиш мумкин эди. Ўйласам ҳанузгача ичим куяди.

Қўй— тилсиз жонивор. Уни баъзилар хаёл қилганидек боқиш осон эмас. Бу касбга ҳам одамда ўзига хос иқтидор, интилиш бўлиши даркор. Шукр, бизда бундай ёшлар кўплаб топилади. Ота-бобосига муносиб издош, ҳақиқий чўпонлар. Мана, иккинчи фермадан Кўчиев Ўролни олайлик. Бош чўпонлик қилаётганига олти йил тўлди. Отарни отасидан олган. Шу давр ичида тилга тушиб улгурди. Ёшлар ўртасидаги мукофотнинг совриндори бўлди. Ҳар йили режани ошириб бажаради. Бу йил ҳам 660 бош совлиқнинг ҳар юзига 115 тадан қўзи тўғри келди. 87 фоизини парваришга қолдирди. Ярми урғочи насл. 189 дона қоракўл тери топширди. Укаси Тўйчи Кўчиев ёрдамчи. Тўрт фарзанди бор. Бултурги муваффақиятлари учун унга 35 бош қўзи берилганди. Ўртача ойлиги 5 минг сўмдан айланди. Эндигиси янада салмоқли бўлиши шубҳасиз. Меҳнат ардоқлаган кишилар деб, шундай фидойиларни аташ керак.

Яқинда отарларни айланиб юриб, хаёлимга бир фикр келди: хўш мутахассисларнинг ҳаммаси ҳам касбини пухта биладими? Талабга жавоб берадими? Чўпон-чўлиққа ёрдам беришга қодирми? Фикримча айрим мутахассислар билими етарли эмас. Йилда бир марта аттестация ўтказиб турилса дейман. Сараги сараккa, пучаги пучакка ажралади. Масъулият ортади. Муносиблар жойини топади. Соҳа юксалишига яна бир йўл очилади. Кейин чорвани хусусийлаштириш ҳақида ҳозир турли фикр айтилаяпти. Менингча ҳам қоракўлчилик хўжаликлари давлат тасарруфида қолгани тўғри. Ёрдамни, назоратни кучайтириш керак. Қоракўлчиликка ҳукумат миқёсида жиддий эътибор зарур. Тармоқнинг бошқа соҳалари давлат тасарруфидан чиқарилса, қутилган натижани беради, албатта.

Р. БОБОМУҲАМЕДОВ,
Ш. СУЛТОНОВ.
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: 1. «Нишон» наслчилик заводи директори Мадат Гелдиев ва тери тайёрлаш цехи бошлиғи Панжи Шарипов. 2. Илғор чўпон Ўрол Кўчиев ва Шербой Аҳмедов. 3. Қоракўл қўйлар.

ПИЛЛАКОРЛАР АҲДИ

Ҳозир пиллакорлар учун энг масъулиятли палла. Ипак қурти боқаётган хонадон ҳар бир аъзоси кечаю кундуз тинам билмай, мўл ва сифатли хом ашё етиштиришга ҳаракат қилаяпти. Янгийўл районидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигининг пиллакорлари муҳим тадбирни кўнгилдагидек ўтказишларига барча шароит муҳайё. Хонадонлар керакли жиҳозлар билан таъминланган. Бригада ва звеноларда семинарлар ташкил этилиб, илғорлар тажрибаси оммалаштирилаётир.

Жорий йилда 180 қути қурт уруғидан давлатга 9 тоннадан ортиқ кумуш тола топшириш режалаштирилган. Масъулиятни ҳис қилган пиллакорлар озуқа базасини мустаҳкамлаш учун тут дарахтларини парваришлашга алоҳида аҳамият бераяптилар.

Шу кунларда 135 та хонадонда боқилаётган қуртлар яхши ривожланаяпти. Жамоада тажрибали пиллакорлар талайгина. Жамила Тошмуродова, Замира, Алижонова, Оппоқ Назарова, Тўхтамиш Улуғов сингарилар ҳар қутидан ўртача 70—80 килограммдан сифатли хом ашё олишга аҳд қилишган.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

ЖАБРДИЙДАЛАРГА ЁРДАМ

Қизилтепа районида ёрдамга муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатиш соҳасида хайрли ишлар қилиняпти. Иккита ихтиёрий жамғарма фонди ҳисобидан кам таъминланган оилаларга, қаровчисиз қолганларга ҳар томонлама кўмак берилаётир. Яқинда Навоий вилоят ҳамда Қизилтепа район деҳқончилик-саноат ходимлари касаба уюшма қўмиталари ҳамкорликда яна бир ибратли иш қилдилар. «Зармитон», «Бухоро» жамоа хўжаликлари, қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш районлараро ташкилоти, шунингдек бошқа корхоналарда бахтсиз ҳодисалардан ҳалок бўлганлар оилаларига 10 минг сўмдан ёрдам пули берилди.

— Қадру қиммат пул билан ўлчанмайди, — дейди вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Даврон Воҳидов. —Лекин бозор иқтисодиёти шароитида жабрдийда оилаларга бу ҳам қандайдир далда бўлади, деган умиддамиз.

Б. ЭГАМОВ.

ЗАНГОРИ ОЛОВ ТАФТИ

Яқинда Норин районидаги «Бўстон» жамоа хўжалигининг қатор хонадонларида табиий газ порлагани одамларни қувонтирди. Зангори олов машъаласини фахрийлар кенгаши раиси А. Асиев, Қизилтов маҳалласи оқсоқоли Я. Жўраев ўртоқлар ёндирдилар.

Норин тумани ҳокими Абдумалик Ҳайдаров, жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Ўлмас Аскаров ўртоқлар 2-механизацилашган кўчма колонна монтажчилари, «Намангангаз» бошқармаси газчиларига турфа хил совғалар топширишди. Шу идора бошлиғи ўринбосари Нурматжон Жўрабоев билан кўчма колонна бошлиғи Набижон Йўлдошевлар хўжалик аъзоларини қувончли воқеа —табиий газ порлаши билан қизғин қутладилар.

«Бўстон»дан кейин Азимжон Шамсиддинов номли, «Тошкент» ва «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларида ҳам табиий газ порлашига оз вақт қолди. Келаси йили эса «Оқ олтин», «Норин» ва «Пахтакор» хўжаликларига зангори олов келтирилиши тадбирлари кўрилмоқда.

Туман аҳли Қорадарё билан Норин дарёси оралиғида яшаса-да, тоза ичимлик суви анча кам. Аҳолини водопровод суви билан таъминлаш 68 фоизни ташкил қилади, холос. Бошқача айтганда, 132,3 километр водопровод тармоқлари бор, яна 162 километр қурилиши зарур. Ана шунча ичимлик сувга бўлган эҳтиёж тўла қондирилади.

Бу соҳадаги ишлар ҳам авж олдирилмоқда. Ҳозирги кунга келиб «Пахтакор» жамоа хўжалигида 16,5 километр, Азимжон Шамсиддинов номли хўжаликда ва «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида 6 километрдан водопровод тармоғи қурилиб, яқинда ишга тушурилди, «Норин» жамоа хўжалигида 3 километрдан эшёд сув қувури фойдаланишга топширилди.

Шу нарса қувонарлики, Норин туманида иқтисодий қийинчиларга қарамай, дурустгина бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Бунда район ҳокимияти тадбиркорлик билан иш юритаётганини таъкидламоқ жоиз.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

«ЯНГИАРИҚ» НАМУНАСИ

Хоразм вилоятидаги «Янгиариқ» давлат хўжалиги меҳнатчилари сурункасига гектаридан 35 центнер шоли олмоқдалар. Бу энг юқори кўрсаткич бўлмаса ҳам, деҳқонларнинг муваффақияти шубҳасиздир. Чунки улар олдинги қумлоқ ерларда деҳқончилик қилишмоқда. Ўз маҳорати ва меҳнатлари билан қумда шоли етиштириб бўлмайди, деган гапларни шоликорлар рад этдилар.

Вилоятнинг бошқа туманлари шоликорлари «Янгиариқ» ихтисослаштирилган хўжаликнинг фаолияти билан танишиш учун келдилар. Семинар-кенгашда ердан унумли фойдаланиб, шоли экиладиган майдонларни 200 минг гекларга етказиш учун ҳамма имкониятлар борлиги таъкидланди. Бу—истеъмол бозорини муҳим озиқ-овқат маҳсулоти билан тўлдириш учун барча шарт-шароит яратилади, демакдир.

(ЎзА).

ҒАЛЛА ЎРИМ-ЙИҒИМИНИНГ ТАБАҚАЛАШГАН УСУЛИ

Республикамиз ҳукумати ва шахсан Президентимиз Ислом Каримовнинг аҳолини дон маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш борасида олиб бораётган изчил сиёсати туфайли жорий йилда суғориладиган ерларда экилган бошоқли дон майдони ҳажми 350 минг гектарга етди. Ғаллакорларимиз меҳнат ва обиҳавонинг қулай келиши туфайли далаларимизда мўл ҳосил етилмоқда. Уни несобуд қилмасдан йиғиб-териб олишда самарали усулларни танлаб, ўримни қисқа муддатда ўтказиш тармоқ ходимлари олдида турган масъулиятли вазифалардан биридир.

Суғориладиган майдонлардаги ҳосилни табақалаштириб йиғиштириб олиш технологияси энг қулай ва самарали усул ҳисобланади. Қадимдан деҳқонлар шу усулдан фойдаланишган, яъни ғалла шира боғлаб, ёпишқоқ хамир ҳолати даражасида пишган даврдан бошлаб ўра бошлашган. Даста ёки боғлар тик ҳолда далада қуритилган. Кейин уни хирмонга олиб бориб янчишган. 1966—1969 йилларда Қашқадарё вилоятидаги К. Маркс номли, Жиззах вилоятидаги «Ғаллаорол», «Ўдарник» хўжаликларида лалми майдонлардаги ғалла ҳам аввал даста ҳолида қуритилиб, кейин янчиб олинган.

Институтимизда олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатдики, ғалла аввало жаткалар билан ўрилиб, кейин подборшиклар билан йиғиб олиниб, майдаланганда, йиғим-терим муддати қисқариб, доннинг тўкилиб кетиши 2—2,3 баробарга камаяр экан. Натижада 1 гектар майдондан қўшимча 2—2,5 центнергача ҳосил олиш мумкин.

Бундай тартибда ишлаганда фақат доннинг тўкилиши камаймасдан, уруғнинг биологик хусусиятлари ва сифат кўрсаткичлари яхшиланиб, дондаги салмоқли оксил миқдори ошиб, униб чиқиши юқори бўлар экан.

Табақалаштирилган усулда ўриб олинган буғдойдан қилинган ноннинг сифати ҳам юқори бўлади. Сабаби тўғридан-тўғри комбайн билан ўрилганда шўра ва шунга ўхшаш ширали бегона ўтлар донни ҳўллайди ва бўяб юборади. Бундай ҳолдаги буғдой донидан сифатли нон ёпиш қийин.

Баъзи захарли ўтлар (кампирчопон, кўк мараз) ширасы донни захарлаши ҳам мумкин. Шунинг учун кўп ўт босган нам майдонларда ғаллани табақалаштириб йиғиштириб олиш шартдир. Бунда кўк ўт ва ғалла дастаси қурийди, майдаланганда бегона ўтнинг қуриган пояси сомонга чиқиб кетади. Доннинг хирмонда ўзидан ўзи қизишдек нохуш ҳол юзага келмайди. Шу боис ғаллани табақалаштириб ўришни кампирчопон, кўк мараз каби захарли ўтлар кенг тарқалган майдонларда қўлламоқ лозим.

Ғалла пишган даврида захарли ўтлар энди гуллаётган бўлади. Шу пайтда ғалла табақалаштирилган усулда ўрилса, бегона ўтлар захарли дон пайдо қила олмасдан, дастада қуриб пояси сомонга чиқиб кетади. Бундай майдонлардаги ҳосилни саранжомлаш комбайн билан ўриш пайти келгунча тўхтатиб турилса, кампирчопон донлаб улгуради. Натижада кампирчопон ширасы ғаллани алколоид моддаси билан ҳуллайди, кампирчопон дони эса ҳосилга қўшилиб хирмонга тушади. Бундай ғалла озиқовқатга ҳам, емга ҳам яроқсиз ҳисобланади.

Ғалла табақалаштириб ўрилганда агрегатлар иш унуми 2—2,3 бароварга ошади, муддат ҳам шунча қисқаради. Бир агрегат (СК-5 ва ЖВН-6) 20—25 гектаргача майдонни 16 соат иш кунида дастага ётқизиши ва майдаловчи агрегат (СК-5 М ва ППТ-3) эса худди шу муддатда 15—17 гектар майдондаги ҳосилни майдалаши мумкин. Тўғридан-тўғри йиғилганда эса бир агрегат (СК-5 М) узоғи билан 8—10 гектар ердаги ғаллани ўриши мумкин. Бундан ташқари суғориладиган ғаллазорлар майдонлари кенгайиши муносабати билан ўрим техникаси етишмовчилиги муаммосидан қутилиш мумкин бўлади.

ТАЖРИБА, ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ

Ҳосилни бундай усулда йиғиштириб олишнинг яна бир хусусияти шундаки, тўғридан-тўғри ўрилганига қараганда ғалла дони 7—8 фоиз кам синади ва ёрилади. Ўруғлик доннинг қисмаи синиши ёки кўзга кўринмайдиган миқдордаги ёрилиши униб чиқиш хусусиятини 4—5 фоиз пасайтириб, ниҳолнинг касалликка ёки ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига чидамсиз бўлишига олиб келади.

Ўрим-йиғимни табақалаштириб ўтказиш суғориладиган майдонларни иккинчи экин учун 15—20 кун илгари бўшатишга имконият яратади. Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларининг жанубий чўл худудида жойлашган хўжаликлар тезпишар пахта экса ҳам бўладиган шароит юзага келади. Яна дон учун маккажўхори, кунжут, ўрта муддатда экиладиган сабзавот (карам, сабзи), полиз экинларини экиш мумкин. Хуллас суғориладиган майдонлардан тўлиқ икки марта ҳосил олишга эришса бўлади.

Бундай ўримга ишни ерни тайёрлашдан бошлаш зарур. Бунинг учун ғалла майдони пишиш даврида ўримдан 8—10 кун илгари гектарига 700—800 куб метр сув билан енгил суғорилади. Бу доннинг тўлиқ, яхши етилишига ёрдам берибгина қолмай, ўримдан кейин ерни ҳайдашда туроқнинг донадор бўлишига ва ўриндош экин уруғи униб чиқиши учун фойдали нам заҳирасини тўплашга ёрдам беради.

Ўримга ғалла мум пишган даврда киришилади. Бу вақтда бошоқли дон экинларининг пастки қисми бутунлай сарғайиб, майдаланмайди, барглари қуриб қолади, тепа қисмидаги барглар ва юқори бўғинлар, бошоқчалар қобиқчалари сарғиш яшил тусда бўлиб, дон ранги ўзгаради. Дон ҳажми катта ва ялтираб туради, тирноқ билан босганда осон кесилади, доннинг намлиги 35—40 фоиз бўлиши мумкин.

Мум пишиш даври иссиқ ва қуруқ ҳавода 5—6 кундан ошмайди. Оби-ҳаво нам ва салқин келса, 10—12 кунга чўзилиши мумкин. Шу боис мутахассислар бу даврни кузатиб бориши, эътиборсизлик қилиб ўтказиб юборишни мумкин эмас. Дон тўлиқ пишиб, бошоқ қуриган майдонларда эса тўғридан-тўғри комбайнлар билан ўра бошлаш керак. Акс ҳолда нобудгарчилик янада кўп бўлиши мумкин. Агар пайкални ўт босган ва у нам бўлса, ғалла тўлиқ пишсада, табақалаштириб ўрмоқ лозим. Ғаллани дастага ётқизиш учун СИ-5М комбайнига тақиладиган ЖВН-4 ёки ЖВН-6, КПС-5Г, Е-302 каби жатка ва косилкалардан фойдаланса бўлади. Қуруқ массани кўтариб, майдалаш ППТ-3, СК-5М комбайнларига тақиладиган мослама (подборшик) билан амалга оширилади.

Суғориладиган майдонларда ўсимлик қалин бўлганлиги учун 6—5 метрни қамрайдиган жатка ва косилкалар қийинчилик туғдиради. Баъзан 2—2,5 метр кенгликдаги хедир мосламасидан фойдаланишга тўғри келади. Шунинг учун ЖВН-4 ёки КПС-5Г агрегатларидан фойдаланиш энг мақбулидир. Ётқизиб кетиладиган даста қалинлиги ўсимликнинг ҳўл ёки қуруқлиги, бегона ўтлар билан аралашиш даражасига қараб, 10—25 сантиметр бўлиши мумкин. Агар бундан ортиқ бўлса, даста тагидаги қатлам қизиб кетади. Дастада туриш даври обиҳавонинг қуруқ ва иссиқлигига қараб, 2—4 кунни ташкил этади. Ортиқча сақраб туриш бошоқдаги доннинг тўкилишига сабаб бўлади. Айниқса арпа, буғдойнинг «Безостая-1», «Интенсив», «Унумли буғдой», «Цета—Церроз» «Красноводопад 210» ва барча қаттиқ навлари дастада туриб қолса, дони бошоқдан тўкилиб кетади. Буғдойнинг «Сангзор-4, 5, 8», «Сурхон-5588» тезпишар навлари дастада бирмунча муддат туриб қолишга чидамлидир.

Шуни ҳам айтиш керакки, шамол кучли бўладиган ҳудудларда дасталар жойида сочилиб кетиши мумкин. Шунинг учун 5—8 метр масофада шамол йўналишига кўндаланг қилиб 3—4 метрлик ғаллани ўрмасдан қолдириш керак.

Табақалаштириб ўриш билан тўғридан-тўғри ўриш усулларини таққослайдиган бўлсак, техниканинг икки маротаба юриши ортиқчадек кўринади. Аммо иш унумининг ошиши ҳисобига 1 гектарга тўғри келадиган харажат миқдори унча кўп бўлмайди. Комбайнларнинг дастани кўтариб олиш ва янчишда масса б[illegible] хил бўлгани учун янчиш барабани меъёрида ишлайди, тиқилмайди, комбайн двигателига оғирлик тушмайди. ЖВН-6 жаткаси билан комбайн ишлаганда ундаги мотор кучи юқори бўлгани учун ёқилғи сарфи ошиши мумкин. Шунинг учун КПС-5 Г, Е-302 косилкаларидан фойдаланиш керак. Шунда ёнилғи сарфини қарийб икки бараварга қисқартириш мумкин. Ғаллани табақалаштириб ўриш усули суғориладиган майдонларда иқтисодий жиҳатдан ердан самарали фойдаланишни яхшилашда зарур омил ҳисобланади.

Қ. ЭШМИРЗАЕВ,
Ўзбекистон «Ғалла» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори.

Истиклол фидойилари

Тун бўйи шивалаб ёққан ёмғирдан сўнг борлиқ яшнаб, яшариб кетди. Оқа қишлоқ ажиб бир манзара кашф этган. Дов-дарахтлар турар жой бинолари, хиёбонлар кўрку файз бағишлаган. Ино, ят ака ўзига таниш, қадрдон йўлдан идора томон бораркан, ён-атрофга, одамларга меҳр ва ҳавас билан тикилади. Улар эл маъмурчилиги йўлида сидқидил тер тўкаётган заршунослар, чорвадорлар, боғбону соҳибкорлардир. Ана шундай каптар, камсуқум инсонлар билан ҳамжиҳат яшаётганлигидан бағоят хурсанд. Зеро, камтарликни камсуқумликни, мақсад сари дадил интилишни, қийинчиликларни мардона енгишни шу ажойиб инсонлардан ўрганди.

Хаёл уни ўтмишга етаклади. Болалик йилларн осон кечмади. Тирикчилик ташвиши эрта тушди. Ўсмир онаизори Муборак аянинг насиҳатларига амал қилиб ҳунар ўрганди ҳамиша яхшиларга эргашди. Қўлига етуклик аттестатини олгач, Тошкент қишлоқ хўжалик институтига ўқишга кирди. Илм сирларини қунт билан эгаллади. Олий илмгоҳни имтиёзли диплом билан тугаллашга муваффақ бўлди. Ёш мутахассисга Сурхондарёга бориб ишлаш учун йўлланма берилди. Қалби эзгу ниятларга лиммолим эди. Фақат ишончи оқласа ўзга юрт қийинчиликларига дош бериб, яхши ном қолдирса бўлгани. Иноят Мирахмедов умрдош Муяссар опадан ғоят миннатдор. Бойси у икки йилни бир амаллаб ўтказиб, Тошкентга қайтишни дилига тугмади. Эрининг оғирини енгил, мушкулини осон этишга интилди. Қолаверса, ўзи ҳам ёш мутахассис сифатида марказий устахонага ишга кириб, сидқидил тер тўкди.

Мутахассиснинг омади бор экан, Жарқўрғон районидаги йирик «Сурхон» давлат хўжалигига ҳисобчи этиб қабул қилинди. Касба меҳр, яхши фазилат, интилувчанлик туфайли тез орада эътиборга тушди. Тажрибали раҳбарлардан сабоқ олди. Орадан уч йил ўтгач, иқтидорли мутахассисни бош бухгалтер этиб тайинлашди. Иноят ака ғоят масъулиятли, айни пайтда нозик касбда ишлаётганлигини биринчи кунданоқ чуқур ҳис этди. Хўжалик иқтисодиётини юксалтириш, тежамкорликка қатъий риоя қилиш, ҳар бир сўмни жой-жойига сарфлаш, фойдани кўпайтириш бошқалар қатори бош ҳисобчининг иқтидорига кўп жиҳатдан боғлиқ эди. У ўзига ва бошқаларга нисбатан ўта талабчан. Ҳар бир бўлим, бригададаги аҳвол, сарф-ҳаражат ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишга интилади. Одамлар орасида бўлиб, илғор иш усулларини тарғиб қилади, ички имкониятлардан унумли фойдаланиш, кам куч ва маблағ сарфлаб, кўп маҳсулот олиш хусусидаги фикрлари билан ўртоқлашади. Иноят Мирахмедовнинг кўпчилик эътироф этадиган яна бир фазилати тумандаги илғор хўжаликлар иқтисодиётини синчиклаб ўрганади, уларни таҳлил этиб, керагини ўзида жорий этади. Хусусан, пудратни кенг ёйишда жонбозлик кўрсатди. Совхоз директори ва мутахассислар билан ҳамжиҳатликда соҳалараро хўжалик ҳисобини жорий этди. Бу ишро интизомини мустаҳкамлади, барча пировард натижа учун ўзини масъул деб билди. Иқтисоднёт йил сайин юксала борди.

«Сурхон» давлат хўжалигининг 5.649 гектар ери бор, 4,800 гектарида пахта етиштирилади. Ички имкониятлардан унумли фойдаланилгани, ҳисоб-китоб пухта бўлганлиги туфайли 1992 йилда қувончли натижалар қўлга киритилди. Ҳосилдорлик гектарига қарийб 34 центнерни ташкил этди. Давлатга режадаги 9 минг тонна ўрнига қарийб 10 минг тонна оқ олтин топширилди. Бош ҳисобчи Иноят Мирахмедов билан суҳбатимиз чоғида бир нарса бизни ҳайратлантирди. У ҳар бир саволга аниқ ва лўнда жавоб қайтарарди. Бирон марта қоғозга ёки ёрдамчиларига мурожаат этмади. Бу ўз соҳасини ниҳоятда яхши билишидан, иқтидоридан далолат эди.

— Пахтачилик етакчи тармоқ, —дейди у, — ўтган йили мазкур тармоқдан 320 миллион сўм даромад олинди. Бизда иккинчи даражали соҳанинг ўзи йўқ. Ҳатто чорвачиликдан бултур 25 миллион сўм фойда кўрилди. Эътиборлиси шуки, рентабеллик 63 фоизни ташкил этди. Хўжалик ҳисобидаги пахта заводимиз иқтисодиётни юксалтиришда муҳим омил бўлаяпти. Ишчи ва хизматчиларга мукофот тариқасида 17 миллион сўм тақсимланди. Механизаторларнинг йиллик даромади 35—40 минг сўмни ташкил этди.

Заршунослар чигит экишни қисқа муддатда муваффақиятли ўтказдилар. Аксарият бўлимларда тўлиқ гектарлар ҳосил қилинди. Фақат сўнгги кунлардаги ёғингарчиликлар деҳқонларни қийнаб қўйди. Асосий эътибор ғўза парваришига қаратилди. Механизаторлар ниҳолларни қатқалоқ исканжасидан қутқариш учун зўр омилкорлик, фидойилик кўрсатмоқдалар.

Мураккаб ва кенг қўламли вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун меҳнаткашларнинг ташаббускорлигини, кучғайратларини тинмай ошириш, мавжуд имкониятларни ишга солиш лозим. Иқтисодиётда туб ўзгаришга эришишнинг синалган йўли одамларда унумли, сифатли меҳнат қилиш истагини тарбиялаб боришдир. Ҳозирги шароитда сусткашлик қилиш, юқоридан кўрсатма кутиш эришилган ютуқларни йўққа чиқаради. Шу боис ҳар бир раҳбар, мутахассис шахсий намуна кўрсатиши керак. Бир воқеани ҳикоя қилиб беришди. Нормамат Шомиров энг олди бригада бошлиқларидан. Йиллар мобайнида сидқидил тер тўкиб, пахтачиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. Оғир шароитда иш юритаётган жамоани ишониб топширишганида дастлаб иш юришмади. Одамларда ишонч, иштиёқ сезилмасди. Шунда эски қадрдони Иноят Мирахмедов жонига оро кирди.

—Ҳар бир инсон бола-чақа ташвиши билан яшайди, — фикрини ифодалади у шийпондаги ўзаро мулоқотда. — Агар заршуноснинг рўзғорида кам-кўсти бўлса, тирикчилиги базўр ўтса, иштиёқ билан ишламайди. Чамаси ўғитдан, ёнилғидан, техникадан фойдалаишда ўзиранси Нормўмин Ирмуродов, бош ҳисобчи Иноят Мирахмедов ва бошқалар эл қорига ярашмоқда. Биз хўжаликда бўлганимизда 80 ёшли Камол бува Шаропов билан суҳбатда бўлдик.

— Қирқ йилдан буён бригадага етакчилик қиламан, — дейди ота. — Ҳаётимда жуда кўп раҳбарларни кўрдим. Шукурки, ҳозиргилари ўз бурчини чуқур ҳис қиладиган, одми, ташаббускор кишилардир. Иноят Мирахмедов ҳақида яйраб гапираман. Муболаға эмас, бундай кучли мутахассислар бахтга қарши хўжаликларда кўп эмас. Бош ҳисобчимиз 33 йиллик меҳнат фаолияти давомида фақат раҳмат эшитиб келаяпти. Бойси оққўнгил, ҳалол, изланувчан инсон. Қани энди ҳамма ҳам у каби яшаса, ишласа.... Яхшилар мададига таяниб кам бўлмаяпмиз. Режалар сурункасига ортиғи билан бажарилаяпти. Деҳқон чўнтаги энди росмана пул кўраяпти. Бу йил пахта ҳосилдорлигини гектарига 37 центнерга етказмоқчимиз.

Иноят аканинг таъкидлашича чорвачилик ҳам жадал ривожланмоқда. Соҳа жонкуярларининг тажрибалари кенг оммалаштирилмоқда. Районда Качаловлар сулоласи ҳақида фахр билан гапиришди. Нега десангиз фидойилар моллари меҳр билан парваришлаб, ҳар бир новвоснинг тирик вазнини 550 килограммгача етказишга муваффақ бўлишган. Ҳозир фермада 2050 бош қорамол бор. Шундан 700 таси соғин сигир. Ҳар говмишдан йилига қарийб 3000 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олинмоқда. Озуқа базаси мустаҳкамланаяпти.

— Муаммолар ҳам йўқ эмас, — таъкидлайди Иноят Мирахмедов. —Аҳоли йилига 5 фоиздан кўпаймоқда. Демак уй-жой, маданий-маиший бинолар қурилишини тезлаштириш керак. Учта ғишт заводи эҳтиёжни қопламоқда, кичик корхоналар кўпайяпти. Саломатлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик бўлса бу йил ҳам барча соҳада илдам қадамлар қўйилади.

Пешона тери эвазига олинаётган мўмай даромад туфайли ижтимоий соҳа ривожланмоқда. Сўнгги йилларда марказий қўрғонга газ келди. Тўрт қишлоқ аҳолиси ичимлик суви билан таъминланди. Учта мактаб қурилди. 12 километр йўл асфальтланди. Отахонлар ташаббуси билан 40 гектарлик янги узумзор барпо этилди. Спорт комплексига ҳамма ҳавас қилади. Хўжаликнинг ажойиб спортчилари бор. Саккизта замонавий боғчага ишчи ва хизматчиларнинг минг нафар фарзанди жалб этилган. Уч қаватли замонавий касалхона, дорихона мавжуд. Ҳозирги кунда янги мактаб, 60 гектарлик боғ барпо этилаяпти. Хўжалик раҳбарлари, мутахассислари қатори бош ҳисобчининг жонбозлиги, ташкилотчилиги зое кетмаётир. Эндиликда одамлар тежамкорликка алоҳида риоя қилишмоқда. Сўнги уч йил ичида янги техника сотиб олинмади. Комбайнлар, пахта териш машиналари, тракторлар марказий устахонада сифатли таъмирланмоқда. Эҳтиёт қисмлар ҳам эндиликда шу ерда тайёрланади.

Иноят Мирахмедов 33 йиллик меҳнат фаолияти давомида кўплаб лаёқатли шогирдлар тайёрлади. Салим Йўлдошев, Йўлдош Сафаров, Майрам Пўлатова кабилар шулар жумласидан. Улар ҳам иқтисодиётни юксалтиришга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Бош ҳисобчи И. Мирахмедов қнёфасида Ватанни жон-дилдан севувчи, мустақилликни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшишга астойдил интилаётган инсонни кўрдик. Таъкидлашича хўжалик ишчи ва хизматчилари Президентимиз Ислом Каримовнинг республ:ка Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нутқини зўр қизиқиш ва манфаатдорлик билан ўқиб-ўрганишмоқда.

— Юртбошимиз нутқи ҳар бир инсонни ўйлашга, чуқур мушоҳада юритишга ундайди, — дейди бош ҳисобчи. — Ундаги: «Истиқлол—мустақилликни эълон қилиб, энди бўладиган қурашларга тайёрмизми ёки йўқми? Тағин, ўзимизни ўзимиз алдаб юрган бўлмайлик? Шиор этиб юрган гапларимиз қуруқ, баландпарвоз сўзлар бўлиб чиқса-я?! Янгича, адолатли жамият қуришга қурбимиз етадими? Ярим йўлда хориб-чарчаб қолмаймизми?» деган сўзлар масъулиятимизни ўн чандон оширади. Фикримча ана шу саволларни бир-бир ўзимизга бериб, фаолиятимизни назардан ўтказишимиз керак. Энди қуруқ сафсата, ваъдабозлик, дабдабабозлик кетмайди. Ҳар бир инсон мустақилликни бор имкони билан мустаҳкамлаши, ҳимоя этиши даркор!

Одамзод ҳаётда эзгу ниятлар билан яшайди. Орзусига эришиш учун жонини жабборга бериб ишлайди. Шу маънода Иноят Мирахмедов ҳаётда яхши ном, нурли из қолдириб яшаётган инсон, дея хулоса қилиш мумкин. Хўжаликда ким билан суҳбатлашмайлик, заршунослар, соҳибкорлар, чорвадорлар ҳатто Сурхондарё вилоят ҳокими Жўра Норалиев у ҳақда ҳурмат, самимият билан гапиришарди. Мутахассис Сурхондарёда, йирик хўжаликда ўз ўрнини, бахтини топди. Ҳалол меҳнат уни кўпчиликка танитди, обрў-эътиборга буркади. Фарзандлари Шуҳратжон, Ғайратжон, Нодирахон ва бошқалар ота-оналари каби одамохун, камсуқум, меҳнатсевар инсонлар бўлиб вояга етишди. Бунинг учун Иноят Мирахмедов минг бор шукур қилади, пок ниятни дилга жо қилиб, янги марралар сари интилади.

Неъмат МИРЗАҚУЛОВ.

ХАЗИНАБОН

имтиёзли диплом билан тугаллашга муваффақ бўлди. Ёш мутахассисга Сурхондарёга бориб ишлаш учун йўлланма берилди. Қалби эзгу ниятларга лиммолим эди. Фақат ишончи оқласа ўзга юрт қийинчиликларига дош бериб, яхши ном қолдирса бўлгани. Иноят Мирахмедов умрдош Муяссар опадан ғоят миннатдор. Бойси у икки йилни бир амаллаб ўтказиб, Тошкентга қайтишни дилига тугмади. Эрининг оғирини енгил, мушкулини осон этишга интилди. Қолаверса, ўзи ҳам ёш мутахассис сифатида марказий устахонага ишга кириб, сидқидил тер тўкди.

Мутахассиснинг омади бор экан, Жарқўрғон районидаги йирик «Сурхон» давлат хўжалигига ҳисобчи этиб қабул қилинди. Касба меҳр, яхши фазилат, интилувчанлик туфайли тез орада эътиборга тушди. Тажрибали раҳбарлардан сабоқ олди. Орадан уч йил ўтгач, иқтидорли мутахассисни бош бухгалтер этиб тайинлашди. Иноят ака ғоят масъулиятли, айни пайтда нозик касбда ишлаётганлигини биринчи кунданоқ чуқур ҳис этди. Хўжалик иқтисодиётини юксалтириш, тежамкорликка қатъий риоя қилиш, ҳар бир сўмни жой-жойига сарфлаш, фойдани кўпайтириш бошқалар қатори бош ҳисобчининг иқтидорига кўп жиҳатдан боғлиқ эди. У ўзига ва бошқаларга нисбатан ўта талабчан. Ҳар бир бўлим, бригададаги аҳвол, сарф-ҳаражат ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишга интилади. Одамлар орасида бўлиб, илғор иш усулларини тарғиб қилади, ички имкониятлардан унумли фойдаланиш, кам куч ва маблағ сарфлаб, кўп маҳсулот олиш хусусидаги фикрлари билан ўртоқлашади. Иноят Мирахмедовнинг кўпчилик эътироф этадиган яна бир фазилати тумандаги илғор хўжаликлар иқтисодиётини синчиклаб ўрганади, уларни таҳлил этиб, керагини ўзида жорий этади. Хусусан, пудратни кенг ёйишда жонбозлик кўрсатди. Совхоз директори ва мутахассислар билан ҳамжиҳатликда соҳалараро хўжалик ҳисобини жорий этди. Бу ишро интизомини мустаҳкамлади, барча пировард натижа учун ўзини масъул деб билди. Иқтисоднёт йил сайин юксала борди.

«Сурхон» давлат хўжалигининг 5.649 гектар ери бор, 4,800 гектарида пахта етиштирилади. Ички имкониятлардан унумли фойдаланилгани, ҳисоб-китоб пухта бўлганлиги туфайли 1992 йилда қувончли натижалар қўлга киритилди. Ҳосилдорлик гектарига қарийб 34 центнерни ташкил этди. Давлатга режадаги 9 минг тонна ўрнига қарийб 10 минг тонна оқ олтин топширилди. Бош ҳисобчи Иноят Мирахмедов билан суҳбатимиз чоғида бир нарса бизни ҳайратлантирди. У ҳар бир саволга аниқ ва лўнда жавоб қайтарарди. Бирон марта қоғозга ёки ёрдамчиларига мурожаат этмади. Бу ўз соҳасини ниҳоятда яхши билишидан, иқтидоридан далолат эди.

— Пахтачилик етакчи тармоқ, —дейди у, — ўтган йили мазкур тармоқдан 320 миллион сўм даромад олинди. Бизда иккинчи даражали соҳанинг ўзи йўқ. Ҳатто чорвачиликдан бултур 25 миллион сўм фойда кўрилди. Эътиборлиси шуки, рентабеллик 63 фоизни ташкил этди. Хўжалик ҳисобидаги пахта заводимиз иқтисодиётни юксалтиришда муҳим омил бўлаяпти. Ишчи ва хизматчиларга мукофот тариқасида 17 миллион сўм тақсимланди. Механизаторларнинг йиллик даромади 35—40 минг сўмни ташкил этди.

Заршунослар чигит экишни қисқа муддатда муваффақиятли ўтказдилар. Аксарият бўлимларда тўлиқ гектарлар ҳосил қилинди. Фақат сўнгги кунлардаги ёғингарчиликлар деҳқонларни қийнаб қўйди. Асосий эътибор ғўза парваришига қаратилди. Механизаторлар ниҳолларни қатқалоқ исканжасидан қутқариш учун зўр омилкорлик, фидойилик кўрсатмоқдалар.

Мураккаб ва кенг қўламли вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун меҳнаткашларнинг ташаббускорлигини, кучғайратларини тинмай ошириш, мавжуд имкониятларни ишга солиш лозим. Иқтисодиётда туб ўзгаришга эришишнинг синалган йўли одамларда унумли, сифатли меҳнат қилиш истагини тарбиялаб боришдир. Ҳозирги шароитда сусткашлик қилиш, юқоридан кўрсатма кутиш эришилган ютуқларни йўққа чиқаради. Шу боис ҳар бир раҳбар, мутахассис шахсий намуна кўрсатиши керак. Бир воқеани ҳикоя қилиб беришди. Нормамат Шомиров энг олди бригада бошлиқларидан. Йиллар мобайнида сидқидил тер тўкиб, пахтачиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. Оғир шароитда иш юритаётган жамоани ишониб топширишганида дастлаб иш юришмади. Одамларда ишонч, иштиёқ сезилмасди. Шунда эски қадрдони Иноят Мирахмедов жонига оро кирди.

—Ҳар бир инсон бола-чақа ташвиши билан яшайди, — фикрини ифодалади у шийпондаги ўзаро мулоқотда. — Агар заршуноснинг рўзғорида кам-кўсти бўлса, тирикчилиги базўр ўтса, иштиёқ билан ишламайди. Чамаси ўғитдан, ёнилғидан, техникадан фойдалаишда ўзи-

ирбошланади.

«Сурхон» давлат хўжалигида Президент фермонларини амалга ошириш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланган. Томорқа учун керакли миқдорда ер ажратилди. Боқувчисиз оилалар, меҳнат уруш фахрийлари, ногиронлар, етимесирлар ҳақида алоҳида ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Яқинда 120 кам даромадли оилага бугдой тарқатилди. 27 кишига ҳар ойда 300—500 сўм мадад пули ажратилмоқда. Директор Хушвақт Фармонов, касаба уюшмаси қўмитаси бўларчиликка йўл қўйилаяпти. Чиқим кўпаймоқда. Оқибатда маҳсулот таннархи қимматлашиб кетди. Бу ўз-ўзидан даромадга салбий таъсир этмоқда. Ижро интизомини мустаҳкамламай туриб, мақсадга эришиб бўлмайди.

Бригадир бош ҳисобчи маслаҳатига юрди. Ҳар бир ишчи фаолияти назоратга олинди. Тадбирлар бамаслаҳат амалга оширилди. Иш олдинга босди. Ўтган йили Нормамат Шомиров етакчилигидаги бригада ҳосилдорликни гектарига 4 центнерга ошириб, йиллик режани ортиғи билан адо этди. Заршунослар иш ҳақининг бир сўмига 80 тийиндан қўшимча олдилар.

Иноят ака ҳамиша хўжалик, одамлар ташвиши билан яшайди. Муаммоларни ҳал этишга баҳоли қудрат ҳисса қўшади. Бир куни совхоз директори Ҳушбоқ Фармонов ҳамда бир гуруҳ отахонлар боғдорчилик бригадаларидаги эришилаётган натижалар кўпчиликни қаноатлантирмаётганлигини таъкидлашди. Шунда И. Мирахмедов илғор хўжаликлар тажрибаси асосида оилавий звеноларни бирлаштиришни таклиф этди. Бу барчага маъқул келди. 47 та звено, 4 та боғдорчилик бригадасига бирлаштирилди. Назорат кучайди. Энди саховатли боғлардан қуруқ кетмасликни одат қилган баъзи ташимачиларнинг йўли тўсилди. Янги шийпонлар қурилди. Маданий-маиший хизмат намунали йўлга қўйилди. Халқимиз севиб истеъмол қиладиган навлар кўпайтирилди. Сидқидил тер тўкканлар муносиб тақдирланди. Қаерда ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат бор бўлса ютуқлар кўпаяверади. Тадбирлар шарофати туфайли совхоз ўтган йили давлатга 1.250 тонна узум, 285 тонна мева топширди. Бу йилги ҳосил чўғи ҳам чакки эмас.

Бозор иқтисодиёти янги-янги муаммоларни юзага келтирмоқда. Энди бир сўмни қаердан олиб қаерга сарфлашни ҳар бир киши билиши керак. Аввалар пешона тери эвазига етиштирилган узум ва меваларнинг маълум қисми исроф бўларди. Демак, қанчадан-қанча маблағ ҳавога совуриларди. Сурхонликлар бунуни олдини олиш учун чет-эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда вино пунктини очишга шайланишмоқда. Ана шу мақсад учун 27 миллион сўм сарфланди. Янги пункт ишга тушгач боғдорчиликдан тушадиган даромад камида 4 баравар кўпаяди. Айни пайтда маҳсулот зарур қурилиш материалларига ай-

рибошланади.

«Сурхон» давлат хўжалигида Президент фармонларини амалга ошириш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланган. Томорқа учун керакли миқдорда ер ажратилди. Боқувчисиз оилалар, меҳнат уруш фахрийлари, ногиронлар, етимесирлар ҳақида алоҳида ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Яқинда 120 кам даромадли оилага бугдой тарқатилди. 27 кишига ҳар ойда 300—500 сўм мадад пули ажратилмоқда. Директор Хушвақт Фармонов, касаба уюшмаси қўмитаси

Жаҳон сатрларда

● **Андижон туман маҳаллий саноат комбинати қошида хўжалик ҳисобида ишлайдиган қурилиш-таъмирлаш корхонаси ташкил этилди. Унинг усталари аҳолига янги уй-жой қуришда, эскиларини таъмирлашда ёрдам беради.**

Кейинги икки ярим йил ичида вилоят шаҳар ва туманларида ўн бешта шунга ўхшаш корхона очилиб, уч мингдан ортиқ одам иш билан таъминланди.

● **Жиззах пластмасса заводида сопол, чинни ва шишадан уйрўзғор буюмлари ишлаб чиқарадиган цех ишга тушди. Бу ерда сифатли ва харидоргир маҳсулот тайёрланмоқда.**

● **Сурхондарё «Облагрострой» трести қўрувчилари Афғонистондаги «Бидил-ко-лтд» фирмаси билан тузилган шартнома асосида Мозори Шарифда икки қаватли панелли уйлар қура бошлади. Бу ерда Тошкент ва хоразмлик қурувчилар ҳам ишламоқда. Қурувчилар 100 та иккн қаватли уй қуриб замонавий шаҳарча бунёд этади.**

● **Жиззах аккумулятор заводи жамоаси янги маҳсулотни ўзлаштириш ҳисобига, бир неча миллион сўм фойда олди. Бу маҳсулот раднотехника ва тиббиёт саноатида ишлатиладиган дисклн аккумуляторлардир.**

● **Денов туманида яшовчи юзлаб кишилар «Умид» кичик корхонасида ўзларига сердаромад иш топдилар. Ёшлар ва уй бекалари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, гилам тўқиш билан шуғулланмоқдалар.**

● **Сайёд қишлоғи аҳолиси Қоракўл туманн марказида жойлашган шифохонага қатнаш ташвишидан қутилди. Бухородаги 1-қурилиш трестнинг 185-кўчма механизациялашган колоннаси бунёдкорлари бу ерда 75 ўринли шифохона бунёд этди. Замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган даволаш масканида малакали шифокорлар хизмат қилмоқда.**

● **Бағдод туманидаги пойабзал фабрикаси соғломлаштириш шифохонасида «Явь-1» тиббий ускунаси қўлланила бошлади. Бу асбоб ёрдамида ошқозон ва ўнгикки бармоқли ичак яраси, битиши қийин жароҳатлар, суяк синиши, юрак-қон томир касалликлари юқори частотали электромагнит нурлари билан даволанади.**

● **Ёзёвон тумани Амир Темур номидаги мактаб ўқувчилари тайёрлаган уй-рўзғор буюмлари аҳолига манзур бўлмоқда. Мактаб устахонасида ўн беш ўқувчи Ғанижон Раҳимов бошчилигида дурадгорлик сирларни ўрганмоқда. Дастлабки даромаддан 10 минг сўм мактаб эҳтиёжига сарфланадиган бўлди.**

(ЎзА).

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ «Ҳожатбарор» ТАРҒИБОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ

МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛ: 33-44-43, 32-54-44, 32-56-34, 32-56-25

БУЮРТМАЛАРИНГИЗ ТЕЗДА АДО ЭТИЛАДИ

Қутлаймиз

Ҳурматли Шоўлат Жўраев!

Жамоа хўжалигининг барча аъзолари ва дўстларингиз номидан Сиз, деҳқон фарзандни, миришкор дала соҳибни қутлуғ айём—қирқ беш ёшингиз билан самимий муборакбод этамиз. Зеро, мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи қутлуғ йилида ташкил топган хўжалигимиз ҳаётида Сизга ўхшаш фидойи деҳқонларимизнинг билим ва тажрибаси, айниқса, яхши самара бермоқда. 1992 йили Сиз етакчи бўлган бригада қирадирликлардан иборат тўқсон гектар ерда деҳқончилик қилиб, ҳосилдорликни 34 центнерга етказганлиги туман, ҳатто вилоят миқёсида катта муваффақиятдир. Умр йўлдошингиз Момохол, ўғлингиз Райимжон, хуллас, онлангиздаги тўрт кишининг бу ютуқда муносиб ҳиссаси бор.

Бригадага саркорлик қилаётганингизга ўн беш йилдан ошган бўлса, шу даврда жамоангиз деҳқончиликда қувончли натижаларга эришиб келаётганлиги кўпчилик томонидан эътироф этилади. Шогирдларингиз, деҳқон хонадонида меҳнат ва меҳр-муҳаббат оғушида тарбия топаётган 7 нафар фарзандингиз, бу — Сиз учун ҳаёт қувончларидир.

Сизни «Қишлоқ ҳақиқати» саҳифаси орқали қутлаймиз, ўзингизга ва оила аъзоларингизга олам-олам шодлик, омонлик, дастурхон ва деҳқончилигингизга қутбарака, барча ишларингизга омад тилаб қоламиз!

Иштихон туманидаги Шариф Одилов номли жамоа хўжалиги бошқаруви ва хўжалик касаба уюшмаси қўмитаси.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ИЛМИЙ- ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ

«Халқ хўжалиги ва унинг айрим тармоқлари иқтисодиёти, режалаштириш ва бошқаришни ташкил этиш (қишлоқ хўжалиги) ихтисослиги бўйича 1993 йил учун кундузги ва сиртқи аспирантурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Аспирантурага кирувчилар директор номига ёзилган ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: кадрларни ҳисобга олиш варақаси, таржимаи ҳоли, тавсифнома, диплом ва баҳолар варақасининг нусхаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, илмий мақолалар рўйхати ёки танланган мавзу бўйича реферат.

Ҳужжатлар шу йилнинг 15 августига қадар қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари сентябрь ойида бўлади.

Бизнинг манзилгоҳ: 700097, Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 28-уй, 2-қават, 5-хона — аспирантура бўлими.

Телефонлар: 76-82-40— аспирантура бўлими; 76-86-00 — қабулхона.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ
1993/94 ўқув йили учун кундузги ва сиртқи бўлимларга қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ



1. ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ (кундузги ва сиртқи) сув тармоқларини ҳамда унда жойлашган иншоотларни бошқариш ва фойдаланиш бўйича техник-гидромелиоратор тайёрлайди.
2. ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ — (кундузги ва сиртқи) мелиоратив ва қурилиш машиналаридан фойдаланиш ҳамда уларни таъмирлаш бўйича техник-механиклар тайёрлайди.
3. СУВ ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИДАГИ ЭЛЕКТРОТЕХНИК АВТОМАТИК ҚУРИЛМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ (кундузги) — гидромелиорация ва сув хўжалиги тизимидаги электротехник, автоматик, телемеханик қурилмалардан фойдаланиш бўйича техник-электромеханиклар тайёрлайди.
4. АВТОМОБИЛЬ ВА ДВИГАТЕЛЛАРНИ СОЗЛАШ, УЛАРГА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ (кундузги ва сиртқи) барча турдаги автомобиль ва двигателларни таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-механиклар тайёрлайди.
5. АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАБИАТ БОЙЛИКЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ (кундузги) — атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш бўйича техник-экологлар тайёрлайди.

Техникумга умумий таълим мактаблари ҳажмида (8—9 синф) ёки ўрта маълумотга эга бўлган шахслар қабул қилинади.

Ҳужжатлар кундузги бўлимга 1 июндан 15 августгача, сиртқи бўлимга 3 октябрдан 1 декабргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари кундузги бўлимларда 1 августдан 20 августгача, сиртқи бўлимларда эса 1 декабрдан 29 декабргача ўтказилади.

Автомобиль ва двигателларни созлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш мутахассислиги бўйича сиртқи бўлимга кирувчилар ҳужжатларини ва кириш имтиҳонларини топшириш кундузги бўлимга кўрсатилган муддатларда ўтказилади.

Кундузги бўлимларга ўқишга кирувчилар она тили ва адабиётдан ёзма (диктант), математика фанидан (оғзаки) кириш имтиҳонларини топширадилар. Сиртқи бўлимга кирувчилар битта математика фанидан (оғзаки) имтиҳон топширадилар.

Техникумга қабул қилиш тўғрисида директор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади:
1. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
2. 4 дона 3х4 ўлчамдаги расм.
3. Соғлиғи ҳақидаги маълумотнома (086-у).
4. Меҳнат стажига эга бўлганлар меҳнат дафтарчасидан кўчирма.

Техникумга қабул қилинганлар умумий қоидага асосан стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар. Техникумнинг кундузги бўлимини битирувчиларга мутахассисликларига қараб: сувчи, бетончи, тракторчи, бульдозер, экскаватор ва автомобиль ҳайдовчиси, автомобиль ва двигателларни, қурилиш машиналарини созловчи, электр ва автоматли қурилмаларни йиғиш бўйича чиланғарлик, радиомотористлар каби қўшимча ишчи мутахассисликлар берилади.

Техникумни имтиёзли диплом билан билан битирганлар олий билимгоҳларга йўлланма билан ўқишга юборилмайдилар.

ТЕХНИКУМ МАНЗИЛГОҲИ: Тошкент-7, М. Горький шоҳ кўчаси, 41-уй. Автобуслар: 1, 17э, трамвайлар: 6, 13, 22. «Морская» бекати. Автобуслар: 24э, 101, троллейбуслар: 9, 17, 18. «Марказий ҳисоблаш бошқармаси» бекати.

Қабул комиссияси

Жамғарма банки

ОМАД КЕЛСА, БИР ЗУМДА МИЛЛИОНЕР БЎЛАСИЗ

ҲА, АГАР ОМАД ҚУЛИБ БОҚСА, БИР ЛАҲЗАДА МИЛЛИОНЛАРГА ЭГА БЎЛАСИЗ! МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЛАҲЗАЛИК ЛОТЕРЕЯСИНИ СОТИБ ОЛСАНГИЗ, СИЗДА ШУНДАЙ ИМКОНИЯТ ТУҒИЛАДИ. РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ МИНГЛАБ ФУҚАРОЛАРИ ОМАДЛАРИНИ СИНАБ ҚУРИШИБ, КАТТА ЮТУҚ ЧИҚИШИГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛДИЛАР.

25 МИЛЛИОН, 15 МИЛЛИОН, 10 МИЛЛИОН, 5 МИЛЛИОН, 1 МИЛЛИОН, 500 МИНГ СЎМЛИК ВА БОШҚА ЮТУҚЛАР ЎЗ ЭГАЛАРИНИ КУТМОҚДА!

ҲАР БИРИНИНГ ҚИЙМАТИ 100, 200 ВА 500 СЎМЛИК БЎЛГАН ЛАҲЗАДА ЎЙНАЛАДИГАН ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИ ЖАМҒАРМА БАНКИ МУАССАСАЛАРИДА ВА ЖАМОАТЧИ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН СОТИЛМОҚДА.

БИЛЕТЛАР СОТИЛАЕТГАН МУАССАСАЛАРДА ЛОТЕРЕЯ ШАРТЛАРИ ҲАҚИДА ТЎЛИҚ МАЪЛУМОТ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН. ҚУЙИДАГИ РАҚАМЛИ ТЕЛЕФОНЛАРГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛСАНГИЗ ҲАМ ЛАҲЗАДА ЎЙНАЛАДИГАН ЛОТЕРЕЯ ҲАҚИДА ТУШИНТИРИШ БЕРИШАДИ: 54-26-31; 33-51-95; 45-66-43.

ОМАД ЁР БЎЛСИН!

Ўзбекистон Жамғарма банки.

«ЭКОСАН» жамғармаси «Восток» фирмаси

*Турмуш чорраҳа

Бир пиёла чой баҳонда

Дам олиш саҳифаси

ҲИЗР НАЗАРИ ТУШГАН ПОЛВОН

Нафсаламбирини айтганда, кейинги 15—20 йил ичида Сурхондарёда Тоир полвоннинг олдига тушадиган полвон бўлмади. Вилоятда ўзи туғилиб ўсган Жарқўрғоннинг орини, Тошкентда вилоятнинг орини, Ўзбекистондан бир қадам нари борса ўзбекнинг орини ҳимоя қилиб юрди. Зўрнинг зўрлигига, худоннинг бирлигига ҳамма қатори биз ҳам қойил. Тоир полвонга тараф йўқ.

...Ўшанда унинг 11 ёшли мурғак болакай эканлигини баковуллар сезишмади. «Олишамиз» деб бирга борган ҳамқишлоқлари биринкетин йиқилавергач, ўзича орланиб 17 ёшли йигитга чиқди. Қийин бўлди, аммо босди. Ошналари билан ғурурланиб уйга қайтди-ю, ётиб қолди. Ота-онаси, дўхтирлар «кўричак» деб касалхонага ётқизишди. Текшириб кўришса, бола зўриққан. Томирлар чўзилган, қовурғалар озроқ лат еган...

Ўн кун ўтиб, касалхонадан чиқаётганида дўхтирлар ўзларича уни ҳажв қилишди: «Полвон, яна олишасанми?» Улар «Бола ҳақини олибди, энди илло—билло кураш тушмайди», деб ўйлашган бўлишса керак. Аммо қишлоғининг ори учун катта курашга жазм қилиб, ғалабага эришган 11 ёшли боланинг кўнглидаги тоғдек ғурур энди уни ҳеч қачон тинч қўймаслигини ўша дўхтирлар қаёқдан ҳам билсин?..

Қишлоқнинг курашсиз тўйи кам бўлади. Тоир қатнашмаган олиш эса умуман бўлмайди. У ҳар доим ўзидан каттароқ полвонларга чиқиб юрарди. Тоир полвондек 20 йил кураш тушиб елкаси ер искамаган полвонларнинг баъзилари туғилиб ўсган қишлоғи, қишлоқдошлари, биринчи устозини эмас, ҳатто ота-онасини ҳам ёддан чиқариб юборади. Дунёга танилган Тоир полвон эса жарқўрғонликлардан бошқа деярли ҳеч ким танимайдиган Элмирза полвон Хидировни «устозим» деб эҳтиром билан тилга олади доим. Устознинг хизмати даладаги иши тугагандан сўнг ярим тунгача, эски балонни ёқиб, унинг ёруғида бутун қишлоқнинг олишувга қизиқадиган болаларини йиғиб кураш туширган, янги усулларни ўргатган, чиниқтирган. Катта спортдаги илк ютуғи ҳам ана шу Элмирза полвоннинг сабоқлари натижаси бўлди. Бўлмаса, у ўшанда спорт мактаби қаердалигини ҳам билмас эди.

8-синфда ўқиётган йили Жарқўрғонда эркин кураш бўйича республика биринчилиги ўтадиган бўлди. Тўғри мусобақа комиссиясига бориб «мен ҳам қатнашай» дей айтди. Унинг вазни бўйича полвон топа олмай туришган экан, дарҳол қабул қилишди. Ўшанда ғолиб бўлиб даврдан чиқди.

Элмирзабой унинг отаси билан ўтириб, Тоирнинг келажагини режалаштириб олишди. Унга кўра, Тоирнинг мактабдан кейинги иши даладан устахонага кўчирилди. «Устахонада кўпроқ, куволда билан ишлайсан. Чиниқасан, кучинг кўпаяди», деди отаси.

Элмирза ака башорат қилди: «Ғайрат қил, энди сени излашади», деди. Рост айтган экан. Эркин кураш мусобақасидан сўнг, орадан 2 ой ўтиб, Олмалиқда бўладиган самбо курашига чақиришди. Ғалаба билан қайтди. Орадан олти ой ўтиб, Хоразмда бўладиган миллий кураш мусобақасига чақиришди. Яна ғалаба!

Худо берса беранерар экан. Юрагида Жарқўрғон деган номни асраган йигитнинг исми Тошкенту Москвадан ўтиб, нақ Японияга етди.

Бу ном Гуржистонни ҳам бир қалқитди. Москвада Иттифоқ халқларининг XII спартакиадаси бўлаётган эди. Ўйинлар бошланганига 3 кун бўлган. Аммо ҳали Ўзбекистондан борган вакилларга биронта кумуш медаль ҳам насиб этмади. Учинчи куни Тоир полвон Бахтардзе деган машҳур гуржи полвони билан кураш тушиши керак. Кетмакет бўлган мағлубиятлар ҳамманинг кайфиятини туширган. Бир неча марта мутлоқ чемпионлик шоҳсупасига чиққан Бахтардзенинг шуҳрати ҳам руҳга соя ташлаган. Бунинг устига спартакиададан 14 кун олдин Тоир полвоннинг оёғи чиққан, озгина зўриқиш ҳам қаттиқ азоб олиб келар, унинг ўрнини босадиган полвон йўқлигидан курашга рози бўлиб турган бўлса-да, лат еган оёқ энг зарур пайтда панд бериб қолиши мумкин эди.

Кураш бошланди. Томоша залининг ярми грузин, ҳайъатнинг ҳам ярми грузин, қолган ярми улар томонга оғиб кетгани шундай сезилиб турарди. Ғирромлик бўлди. 5 минут ўрнига ярим соат курашишга мажбур қилишди. Ярим соатнинг ичида Бахтардзе Тоирни йиқитишга бирор имкон топар деб умид қилишганди...

Ўша спартакадада қатнашган юртдошимиз Жума волвон Тошпўлатов шундай дейди:

— Кураш тугагач, полвонлар томонига ўтдим. Бахтардзе икки қўллаб бошига муштлаб йиғлаётганини кўрдим. У ўзини юпатаётган устозига нуқул: «келиб-келиб бир ўзбекдан йиқилдимми?» — деган гапни такрорларди.

...Физкультура олийгоҳини битириб, шон-шуҳрат шоҳсупасида қайтган ўғлини Жарқўрғон алоҳида меҳр билан кутиб олди. У бир оғиз айтса—бўлди, обрўйи, олий маълумотли деган ҳужжати бор, куни йиғилишларда ўтадиган катта-катта мансабларни беришарди. Тоир полвон йигитни чалғитадиган бундай ҳаёт лаззатларидан юз ўгирди. Рўзғор тебратиш учун деҳқончилик қилди. Фикри хаёли эса курашда бўлди, вақт топса ўз устида ишлади, доимо елкасида бутун бошли бир халқнинг ори-номуси турганини ҳис этиб яшади.

Вужудида бир шернинг кучини жо қилган, ҳурматэътибор топган Тоир полвоннинг хулқ-атвори ҳам, ақли ҳам, ҳиммати ҳам полвон, у ҳеч қачон худо берган куч-қувватини нафсга қурбон қилмади. Қўй тобоқдан то от қўйилган тобоққача олишиб, бир тўйнинг ҳамма тушумларини йиғиштириб олиб кетадиган полвонлар ҳам кўп. Тоир полвон энг кейин, энг зўр тобоққа, ўшанда ҳам ўзидан олдин ҳеч ким эгалламаган бўлса ҳам чиқди. Тушган борғининг бир қисмини курашни бошқариб турган баковулларга, ўзидан олдин кураш тушган ёш полвонларга берди. Тоирдан мотоцикл, магнитафон совға олган полвонлар жуда кўп.

Тоир полвон 20 йил олишиб, ўзидан ёши катта полвоннинг номига қўйилган тобоққа чиқиб, кекса одамнинг ёқасидан олган эмас. Ҳурматини сақлаган. Ёки у борганда яхши бир тобоққа энди ўсиб келаётган ёш полвон эгалик қилиб турган бўлса, индамаган, чиқмаган. Йигитнинг сазаси ўлмасин, кўнгли синмасин, деган. Аммо талаб қилиб чиққанлар билан олишган. У дейди.

— Айни кучга тўлган 20 ёшли даврим эди. Бир тўйда менинг отимга тобоқ қўйилди. Тобоққа Тўрон полвон исмли 45 ёшлардаги бир киши чиқди. Қари полвон билан олишмайман, десам ҳам келиб торта бошлади. Шунда ҳам ёқасидан олмадим. Бир-икки силқилаб, йиқита олмаслигига кўзи етдими, даврадан чиқиб кетди. Унга алам қилган экан. Орадан йиллар ўтиб «Оримизни олиб юрсин» деб ўзимиз ўқитиб тарбиялаган, полвон қилиб етиштирган ўғли Рустам полвонни менга чиқарди. Рустам мени йиқита олмади, йиқилмади ҳам. Бу унинг полвонликнинг маълум бир чўққисига етишганлигидан далолат эди. Бироқ уни ҳеч ким олқишламади. Аксинча, одамларнинг ундан кўнгли қолди. Сабаби, мен, у ёқасидан олган одам, шунча йилдан бери ўзбекнинг орини олиб келган полвонгина эмас, маълум маънода устози эдим. Отанинг ёқасидан олган ўғилнинг, устознинг ёқасидан олган полвоннинг келажаги бўлмайди, дейишади. Билмадим, бу ақиданинг қанчаси рост, қанчаси ноҳақ, аммо менга Рустамнинг келажаги порлоқ кўринмаяпти. У ўз устида ишламай қўйди. Нафс овораси бўлиб қолди. Уни ор эмас, ютуқ тобоқ кўпроқ қизиқтираяпти.

Тоир полвон бу гапларни қанча босиқлик билан айтмасин, кўнглининг бир четида дунёнинг нотантилигидан оғриниш, бир армон кўриниб турарди. У одамгарчиликни ҳамма нарсадан устун қўяди. Зеро, полвоннинг йўлбарсдан фарқи, устунлиги ҳам шу одамгарчиликдада.

Тоир полвон полвонлик удуми бўйича юртга тўй бериб, элдан дуо олиб курашни ташламоқчи, ёшларга йўл очиб бермоқчи бўлиб юрган эди. Вилоятда ал-Ҳаким ат-Термизий хотира соврини учун халқаро кураш бўлишини эшитиб, мусобақани ташқил этиш ишига баҳоли қудрат ҳисса қўшди. Юрт ошиб келган меҳмонларга елиб югуриб хизмат қилди. Ўз вазни бўйича биринчи ўринни олгач, элга муддаосини айтиб, элдан изн сўради. «Мутлоқ ғолибликка ёшлар чиқсин, мен даъвогар бўлсам, ҳеч ким чиқиб ёқамдан олмайди. Ҳолбуки, етишиб келаётган полвонлар кўп. Энди давр ҳам, давра ҳам уларники..» деди. Кураш бўлаётган «Алпомиш» майдони қалқиб, одамлар қарсаклар чалиб, кўзлари ёшга тўлиб, полвони билан хайрлашдилар. Полвоннинг ҳам кўзларида ёш айланди. Жуда оғир хўшлашув эди бу. Тоир бу маросимга аллақачонлардан буён ўзини руҳан тайёрлаб юрган бўлса-да, шу қадар қийин кечишини тасаввур қилмаган эди.

Жумҳурият Президентининг соврини Ўрол полвон Тўраевга насиб этди. Тоир полвонни ҳам кам қилишмади: компьютер, от, гилам ва ҳоказолар... Унинг учун энг катта борғи-соврин эл меҳри, муҳаббати, олқиши эди. Тоир полвоннинг яхши бир гапи бор. «Давра турган ҳар тўрт одамнинг бири Хизр», дейди у одамларга эҳтиром билан. Ўша куни «Алпомиш» майдонига 10 минг кишидан ортиқ томошабин йиғилган эди. Тоир полвонга неча-неча минг Ҳизр, неча-неча минг фаришталар дуо берди, олқишлади. Бу катта саодатдир...

Шу кичкина мақолани ўқиб, биз Тоир полвонни билдик, деган хулосага келманг. Йўқ, сиз ҳали Тоир полвонни билмайсиз. Уни билишингиз учун Тоир полвон ҳақида Ҳожимуқон тўғрисидаги қиссадек бир катта китоб ёзилмоғи, Сиз эса бир кеча уйқудан кечиб, уни ўқиб чиқмоғингиз керак. Ана шунда «Тоир полвонни озми-кўпми биламиз», дейишингиз мумкин.

Жамила ЭРГАШЕВА.

ТАБАРРУК ОТАХОН

Отанинг тиллари ва дилларида шукрона, ҳар тонг дуога қўл очар эканлар юртга тўкинлик, элга осойишталик, ёшларга умр, қариларга иймон, дастурхонга барака тилайдилар.

— Не-не даврларни, не-не раҳбарларни кўрмадик, — дейдилар отахон. — Мустақиллик бахш этган ғурур қаддимиз билан бирга қадримизни ҳам оширди. Дунёга қайта келгандек бўлдик. Шунча йил меҳнат қилиб кўрмаган қадрни, сўнгги икки йилда кўрдик. Илло буларнинг бари юртбошимизнинг одил сиёсатию, эркнинг нашидасидир. Ниятим қолган умримни давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга бағишлашдир. Бундан улуғ бахт йўқ.

Ҳақиқатдан, истиқлолимиз отахонга куч-қувват бергандек бир нафас тиниб-тинчимайдилар. Эркнинг шукуҳи, озодликнинг бебаҳолиги ҳақида сўзлаб чарчамайдилар. Айниқса ёшлар билан бўлган мулоқотлари завқли ва ҳаяжонли бўлади. Ота ёшларга истиқлолнинг буюклиги, унга хизмат қилишнинг бебаҳолиги, ҳунарлининг иқболи ҳақида сўзлайдилар. Отанинг сўзларидан меҳр-оқибат кўз очади, тарихнинг биз билмаган воқеа ва ҳодисалари, яхши ва ёмон кунлари қад ростлайди, ҳақиқат юз кўрсатиб, руҳлар покланади.

Биз эса Авлиёқул отадек юртимизнинг бақувват устунлари бўлган маслаҳатгўй оталарга суянамиз. Илло, қабатимизда кўпни кўрган, донишманд, пиру бадавлат отахонларимиз бор экан, юртимиз обод, элимиз тинч, хонадонимиз ёруғ бўлади. Бахтимизга дуогўй, маслаҳатчи оталаримиз омон бўлишсин!

А. НАБИЕВА.

СУРАТДА: Авлиёқул Шойқулов неваралари даврасида.

М. КОМИЛОВ олган сурат.

СОЙКЕЛДИГА КЕЛИН КЕЛДИ

Ўзбек халқининг бағри кенг. Хоҳ қиймичлик бўлсин, хоҳ шодлик, доимо бир-бирига мададкор, бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Бунга республикамиз бўйлаб кенг қулоч ёйган хайрия тарзида ўтказилаётган байрамларимиз, тўйларимиз ҳам мисол.

Қува ноҳияси «Наврўз» жамоа хўжалиги, Сойкелди қишлоғида истиқомат қилувчи Мақсуда Сайфутдинова хонадонида ҳам ана шундай тўй бўлиб ўтди. Мақсуда ая жамоа хўжалигида ишлайди. У 6 нафар фарзандга ҳам ота, ҳам она бўлиб, уларни ёлғиз боши билан тарбиялаб ўстирмоқда. Катталарини уйли-жойли қилди. Болалар катта бўлган сайин ташвиши ҳам ортаркан. Ая бу борада бир оғ қийналиб қолди. Қишлоқ шароитида тўй ўтказиш осон эмас. Буни кўриб-билиб турган маҳалла аҳли, район раҳбарлари аяга ёрдам қўлини чўздилар. Натижада хонадонга Тошлоқ районидан Ўғилчахон исмли чиройли қиз келин бўлиб тушди. Аянинг учинчи фарзанди Одилжоннинг тўйига Қува район ҳокими Муҳаммаджон Носиров, район матлубот жамиятлари бирлашмаси ранси Урайимжон Каримовлар бошчилик қилишди. Қоларверса, Сойкелди маҳалла қўмитаси ранси Ҳошимжон ака Раҳимов, бутун маҳалла аҳли ёрдам кўрсатишди. Қувонарлиси шундаки, тўйдан хабар топган, шу маҳаллада туғилиб вояга етган, ҳозир Тошкентда истиқомат қилаётган севимли адибимиз. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим ҳам ташриф буюрди.

Тўй жуда чиройли, киши ёддан чиқмайдиган даражада қувноқлик билан ўтди. Биз шундай саховатли кишилар, бир ота-онанинг фарзандларидек меҳр-оқибатли ва ғамхўр инсонларнинг борлигидан фахрланамиз.

Гулчехра МИРЗАҲАКИМОВА.

Муштарий илҳоми

ТОНГ

Ярим тун. Юксакда ой
юзар,
У ҳоким юлдузли осмонга.
Заминни эркалар, юз
босар,
У ерга шунчалар
ишонган...
Қоронғи, ой ҳорғин
сузади,
Ёлғизлик ўртайди
багрини.
Чирилдоқ жимликни
бузади,
Келтирар сукунат
қаҳрини.
Бўзарган ой ботар уфқига,
Фалакдан юлдузлар
йўқолар.
Қуёш ҳам кўз очар
уйқудан,
Нур сочиб биллурий
тонг отар!

Солижон ЗОИРОВ.
Ленинобод.

УМИД

Иссиқхона этар оғирлик,
Ташқарида кезар хуш
ҳаво.
Уни қийнар
ниқоронғилик,
Ташқарида ёруғ бир
дунё!
Дия хонадан кечмоқчи
бўлар,
Кўкрагимга тегсин
деб шамол.
Деразани очмоқчи бўлар,
Гултувакдан бўй чўзиб
ниҳол...

Суннат БЕШИМОВ.
Бухоро.

ТОЙЧОҒИМ

Йўлларим чақиртош, йўлларим кўркам,
Тойчоғим—юрагим қайсару ўктам,
Тонгларга борамиз, тонгларга эркам,
Чу, қора тойчоғим. Чу, қора йўрғам.

Мен энди ўзимни маҳкам ушладим,
Ўткничи ҳаваснинг бошин мушладим,
Йўлда қолди кўп сафардошларим,
Чу, қора тойчоғим! Чу, қора йўрғам.

Жарангсиз юлдузлар—чўғ лолаларга
Сиғинай дуч бўлсам минг балоларга,
Ким сендан сакради креслоларга,
Чу, қора тойчоғим! Чу, қора йўрғам.

Билиб қўй, бу йўлдан кетган Усмондир,
Билиб қўй, бу йўлдан ўтган Чўлпондир,
Йўлларнинг четида қолган ёмондир,
Борар манзилимиз доримизамондир,
Чу, қора тойчоғим! Чу, қора йўрғам.

Собир ҲАКИМ,
Андижон.

БЕМИННАТ ХИЗМАТКОР, АСЛ ВАФОДОР

Асрлар давомида от деҳқонга қанот бўлиб келган. Лекин кейинги 30-40 йил мобайнида техника тараққиётига маҳлиё бўлиб, бу жониворнинг кўмагидан воз кечилди. Хайриятки, эндиликда яна от-улов деҳқонга мадад бўлмоқда. Ҳатто Тошкентдек шаҳри азимда ҳам у ер-бу ерда отларга кўзингиз тушиши мумкин.

Аслида от ҳам катта хазинадир. Жумагул Содиқов ҳам худди шундай фикрда. У дастлаб тойни парвариш қила бошлаганида эртаиндин у катта йўрғага айланишига ишонмасди. Чиндан ҳам илк марта отга минмоқчи бўлганида жонивор унга бўйсунишни истамади. Эгар-жабдуққа киришни хоҳламади. Жумагул отини йўлга солгунича кўп тер тўкди. Ҳозир Кўкпари у нима деса қулоқ солади. Саҳардан шомгача қўйлар подаси ёнида бўлиб, ўзига хос қўриқчи вазифасини ўтайди. Яйловда оқшом чоғи гулхан атрофида ўтирганимизда Жумагул менга ўз оти, уни қандай боққани ҳақида гапириб берди.

Маълумки, ўлкамизда отлар асосан апрелда қулунлайди. Биядан соғлом тойчоқ олиш учун ҳомиладорлик пайти уни озода жойда сақлаш керак. Елвизак ўтиб турадиган бўлмаслиги лозим. Уни вақтида ва тўйимли овқатлантириш, пайти келганда сайр қилдириб туриш жоиз. Соғлом туғилган тойчоқ дунёга келган заҳоти онасини эма бошлайди. Агар у заиф туғилган бўлса, дастлабки паллада жониворга алоҳида ғамхўрлик зарур. Қулунлаган биянинг илк сути тойчоқ учун жуда тўйимли озуқадир. Агар биянинг сути кам бўлса, тойчоқни сигирнинг сути билан озиқлантириш мумкин. Сигирнинг сути мойлироқ ва қанди камроқдир. Шунинг учун тойчоққа беришдан олдин унга учдан бир ҳиссага сув ва ҳар литр сутга бир ош қошиқ миқдорида қанд қўшиш керак. Дастлабки икки ой мобайнида тойчоқни ҳар икки соатда бир марта овқатлантириш зарур. Кейинчалик бир кеча-кундузда тўрт-беш марта овқатлантиришга ўтиш мумкин. 35-40 кунлик тойчоқларга 150-200 граммдан майдаланган сули, арпа бериш мумкин. Овқат миқдори аста-секин кўпайтирилади.

Кўкатлар, ўт-ўланлар кўпайган паллада тойчоқларни кўпроқ яйловда боқиш даркор. Тўйимли ем-хашак уларнинг этига эт қўшади.

Заиф туғилган тойчоқларни намликдан, елвизакдан асраш талаб этилади. Ёнингарчилик пайти очиқ жойга олиб чиқилганида нам жойда ётишига йўл қўймаслик керак. Заиф тойчоқларни беш кунга тўлгандан кейингина сайрга олиб чиқиш мумкин. Тойчоқларни 5-6 ой мобайнида аста-секин эмас, дарҳол онасидан ажратиб олиш керак. Бораабора улар эгар-жабдуқ, жиловга ўргатилади. Сутдан ажратиб олинган тойчоққа тўйимли озиқ берилади. Бунда бошоқли экинлар somoni, сули, арпа, маккажўхори муҳимдир. Унга бир кеча-кундузда 15-30 грамм туз едирилади. Сабзи ҳам тойчоқларга жуда зарур. Йўрға отларнинг тойчоқлари бир ёшдан бошлаб минишга ўргатила бошланади. Бир ярим ёшга тўлганида мунтазам машқ қилдирилади.

Жумагул подани боқаётган Кўкпар уч ёшдан бошлаб далага олиб чиқилган. Ҳозир беш ёшли бу от унинг ажойиб ёрдамчисидир.

От — қанот деганлари шу бўлса керак-да.

А. ҲУРМОНОВ.

ТУРФА ОЛАМ

ШОХЛИ ДАСТЕР

Бирманинг Чау шаҳарчаси чеккасидаги алоқа бўлими олдида ҳар чоршанба ва жума кунлари бир хил манзарани кўриш мумкин. Алоқа хизматчиси молхонадан бақувват қўтосни олиб чиқиб, унинг устига хатлар солинган қопни, бир нечта посилкани ортиб, йўлга солиб, ярининга шапатилаб қўяди. Шу билан бўлди, беминнат дастёр кузатувчисиз орадан 2 соат ўтиб-ўтмай бошқа қишлоққа етиб боради. Энг қизиғи, у маҳаллий почта бўлими олдида тўхтайди. Уни пойлаб турган хизматчилар юкларни қабул қилиб олишади. Қўтос олдига ем солиб, бирпас дам беришади. Кейин ҳайвон устига яғни юкларни ортиб, яна орқага қайтариб юборишади.

Чаудаги қўтос ҳайвонлар орасида ягона почтачи бўлиб, ҳали у бирон марта йўлдан адашиб ёки кечикиб келган эмас. Энг ёмон об-ҳаво шароитида ҳам у ишлайверади ва «иш ҳақи»ни (пичан ва бошқа хил емишлар билан) ҳалол қилиб олади.

УЛКАН ҚОВОҚ

Англияда ҳар йили улкан қовоқ етиштириш бўйича миллий мусобақа ўтказишади. Ҳозирга қадар 1984 йилда ғолиб бўлган икки юз килограммлик қовоқ биринчи ўринда турибди. АҚШда ҳам шу каби мусобақа бор. Бу ерда 200 килограммлик қовоққа ажабланилмайди. Чунки америкаликлар бундан каттароқ қовоқларни ҳам етиштиришади. Чунончи, 1986 йилги мусобақада АҚШда 302 килограммли қовоқ ғолиб бўлди.

Турсунпўлат ПИРМАТОВ
тайёрлаган.

Шеробод туманидаги 33-ўрта мактаб жамоаси шу мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Эргаш ЖУМАЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Н. ЁҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ҒОФУРОВ (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, К. РИХСИЕВ, Э. ИБРОҲИМОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Узплодоовощвинпром» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамоаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб—33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари—32-56-25. Деҳқончилик бўлими—32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими—32-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими—32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000096. Буюртма Г—223. 31890 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди — 19.45

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.